БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 229 (18.107). • 3 октябрь 1981 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

ФЕРМАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Партиямиз, давлатимиз чорвачиликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб, тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилмоқда-лар. Бугунги кунда чорвачилик қишлоқдаги зарбдор фронтдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида таъкидлаб ўтганидек, белгиланган планларни фақат бажаришгина қолмай, балки анча ортгириб бажариш учун мумкин қадар қатъиятлик, мумкин қадар ташаббус ва омилкорлик кўрсатиш, барча резерв ва имкониятлардан фойдаланиш зарур бўлади.

Бутуниттифоқ мусобақасининг ташаббускорлари — Черкасси қишлоқларининг меҳнаткашлари мавжуд резервлардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Улар шу йилнинг саккиз ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сигирларнинг маҳсулдорлигини 144 килограмм оширдилар, қорамолнинг гўштга топшириладнган ўртача вазнини 413 килограммга етказдилар, гўшт харид қилиш уч процент, сут 12 процент ва тухум харид қилиш 8 процент ошди. Узбекистон, Озарбайжон, Кубань, Ставрополь ўлкаси, Курган, Қрим областларининг қишлоқ хўжалик ходимлари чорвачилик маҳсулотлари дурустгина кўпайишини таъминлямоқдалар.

Илғорларнинг намунаси — тармоқнинг сифат кўрсаткичларини ҳар томонлама яхшилаб бориб, тенглашиш лозим бўлган мўлжалдир. Аммо капитал маблағлар кўпайиб бораётган, маҳсулот ишлаб чиқариш эса амалда бир неча йилдан мобайнида ошмаётган ҳоллар ҳали оз эмас. Партия КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида, ўзининг шундан кейинги қарорларида ажратиладиган маблағлар, минерал ўғитлар, техникадан оқилона, омилкорлик билан фойдаланиш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги масалани қатъий қилиб қўйди. Бу чорвачиликка ҳам тўла даражада тааллуқлидир.

Хўжаликлар сут соғиб олишни ва молларни семиртиришни ошира бориб, маблағларнинг қопланишини жадаллаштирмоқдалар, тармоқ экономикасини яхшиламоқдалар. Бироқ, айтайлик, Рязань, Свердловск, Сумн областларидаги кўпгина колхоз ва совхозлар сут етиштиришдаги қолоқликни ҳануз бартараф этганлари йўқ. Молдавиядаги, Куйбишев областидаги бир қанча фермаларнинг коллективлари кейинги ойларда қорамолларнинг ориқлаб кетишига йўл қўйдилар. Бундай нуқсонларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ҳозир кўпчилик хўжаликларда етарли миқдорда ўт-ўлан бор. Сут соғиб олишни кўпайтириш, чорва молларини яхшилаб боқиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Маблағлардан оқилона фойдаланиш — улар юксак самарадорликнинг асосий шартидир. Бунда ем-хашак етакчи роль ўйнаши маълум. Аммо хўжаликларнинг баъзи раҳбарлари, мутахассислари биноларни қурилишига иложи борича кўпроқ маблағ сарфлаб, ем-хашак базасини вужудга келтиришга камроқ сарфлашга ҳаракат қиладилар. Ваҳолонки, ҳатто яқиндагина фойдаланишга топширилган кўпгина чорвачилик фермаларида ҳам моллар ем-хашак билан яхши таъминланмаганлиги, унинг маҳсулдорлиги амалда ошмаётганлиги сир эмас. Пенза области ва бошқа баъзи областлардаги хўжаликларнинг талайгина қисмида ем-хашак базасини яратиш орқада қолмоқда. Бунга тоқат қилиш мумкин эмас. Озуқа тайёрлаш — тармоқни ривожлантириш асосларининг асосидир. У ҳар томонлама мустаҳкамланган тақдирдагина гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни изчиллик билан кўпайтириш мумкин. Об-ҳаво имкон бераётган экан, пичан, сенаж, силос, илдиз меваларни ғамлаб олиш керак.

Ем-хашакдан омилкорлик билан фойдаланиш, молларнинг тўйимли ем-хашак билан боқилишини таъминлаш ҳам жуда муҳимдир. Озуқа цехларнинг ишини ҳозиргинг ўзидаёқ йўлга қўйиш, емнинг ҳар бир килограммини олдиндан тайёрлаб, қўшимчалар қўшиб сарфланишига эришиш зарур.

Мамлакатда тармоқни механизациялаш учун кўп иш қилинмоқда, минглаб катта фермалар ва комплекслар барпо этилган. Замонавий машикалар, поток линиялар, мукаммал технология чорвачиликда бажарилаган қўл ишларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берди. Шундай бўлса ҳам ишга ҳамма жойда етарли даражада ёндашиляпти, деб бўлмайди. Баъзнда фермаларни комплекс механизациялаш ўрнига айрим жараёнларни, масалан сигирларни согишни, биноларни тозалашни механизациялаш билангина чекланиб қолмоқдалар. Мутахассислар ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш тўғрисида баъзан астойдил жон куйдирмайдилар. Буларнинг ҳаммаси маблағ ва меҳнат самарадорлигини пасайтиради. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Госкомсельхозтехника», уларнинг жойлардаги органлари машиналар, асбоб-ускуналар, биноларлан тўғри фойдаланилиши устидан контролькни кучайтиришлари, маблағлар ўзлаштирилмай қолишига йўл қўймасликлари зарур. Ҳозир, қиш арафасида фермалар, механизмлар ремонтини тугаллаш керак.

Тармоқ ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан поданн урчитиб кўпайтириш даражаси билан белгиланади. Львов, Ленинград, Москва областларининг фермаларида асосан ҳар бир сигирдан бузоқ олинмоқда. Аммо сигирларнинг қарийб учдан бир қисми қисир қолаётган Ростов, Жезқозғон областларида маблағларнинг яхши самара беришини кутиб бўладими. Хўш, моллар яхши асраб қолинмаётганлиги сабабли хўжаликлар қанча нарсадан маҳрум бўлмоқдалар! Баъзи районларда шу йилнинг саккиз ойи ичида қорамолларнинг тўрт процентдан кўпроғи, чўчқалар ва қўйларнинг етти процентдан ортиқроғи нобуд бўлди. Маҳаллий партия, қишлоқ хўжалиги органлари зоотехника ва ветеринария ишининг аҳволи учун мутахассисларга нисбатан қатъий талабчанлик қилишлари керак.

Фермаларнинг наслчилик потенциалидан яхшироқ фойдаланиш, илғор технологияни, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини ўзлаштириш — буларнинг ҳаммаси фонд самарадорлигини оширишга, тармоқни интенсивлашга ёрдам беради. Шу билан бирга колхоз ва совхозларнинг ўз шериклари билан муносабатларини янада такомиллаштириш экономика учун катта аҳамиятга эга. Гап чорвачилик биноларн қурилишининг қийматини арзонлаштириш, уларни барпо этиш муддатларини қисқартириш, «Госкомсельхозтехника» ва тайёрловчиларнинг фермаларга хизмат кўрсатишини яхшилаш тўғрисида бормоқда. Хуллас, қишлоқ билан алоқадор барча министрликлар ва идоралар ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга кўпроқ эътибор беришлари зарур. Хўжалик ҳисоби принципларини мустаҳкамлаш, планлаштириш ва тармоқни бошқариш системасини яхшилаш муҳимдир.

Чорвачиликни ривожлантиришда партия ташкилотларининг роли бениҳоя катта. Улар фермалардаги ишларнинг аҳволини чуқурроқ анализ қилишлари, тармоқни ривожлантиришнинг истиқболини кўриб билишлари, чорвадорлар коллективларини барча янги, илғор ютуқлар билан қуроллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг куч-ғайратларини ишсамарадорлиги ва сифатини ҳар томонлама оширишга йўналтиришлари керак. Тармоқда банд бўлган коммунистлар меҳнатда ўрнак бўлишлари лозим.

Чорвадорларнинг гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш учун мусобақаси тобора кенгаймоқда. Фермаларнинг ходимлари, уларнинг агросаноат комплексидаги шериклари партия XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга, Ватанга мумкин қадар кўпроқ маҳсулот етказиб беришга интилмоқдалар.

(«Правда» газетасининг 1981 йил 30 сентябрь сонидаги бош мақоласи).

СССР 60 ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА УЛКАН МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

УРГАНЧ, 2 октябрь. (ЎзТАГ). Хоразм область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида пахтачиликни янада интенсивлаш ва пахта сифатини ошириш соҳасида область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов докладини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда ер-сув ва меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш, алмашлаб экишни ўзлаштиришни шу йилдаёқ тугаллаш, деҳқончилик маданиятини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

ПАХТА — ВАТАНГА


Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	6,00	61,91	6,80	64,05
Бухоро	3,33	57,54	3,69	35,74
Фарғона	2,35	46,96	3,25	24,81
Наманган	3,45	43,17	3,06	31,59
Сурхондарё	2,15	42,89	2,02	26,96
Қашқадарё	2,98	41,47	2,45	25,00
Сирдарё	5,10	37,78	5,89	38,46
Андижон	2,40	33,88	1,92	12,70
Жиззах	4,19	27,38	5,01	29,57
Хоразм	2,24	20,60	1,58	7,30
Самарқанд	1,59	13,75	0,64	2,20
ҚҚАССР	1,71	13,07	0,77	2,51
Республика бўйича:	3,00	37,03	3,04	25,07
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	2,41	57,44	—	—
Наманган	3,22	44,04	—	—
Сурхондарё	1,57	33,15	2,11	17,77
Қашқадарё	1,09	13,60	0,18	1,31
Республика бўйича:	1,52	29,50	1,25	10,48



Замондошларимиз

МЕХАНИЗАТОР ИБРАТИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида ҳам йиғим-терим авжи қизғин паллага кирди. Қийғос очилган чаноқлар кўзни қувонтиради.

Бу йил колхоз деҳқонлари ҳар қачонгидан ҳам гайрат билан меҳнат қилиб, кенг майдонларда мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили тўпладилар. Колхознинг 1700 гектар майдонида мўл ҳосил ҳаммани ўзига чорлаяпти. Хўжалик деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 4 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етиштириб, Ватанга армуғон қилиш ниятида астойдил жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳозир колхоз далаларида 30 та терим машинаси жавлон уриб ишламоқда. Шулардан бирини хўжаликнинг моҳир механизатори Рустам Абдураззоқов бошқараётир. Меҳнатсевар йигит ўтган йили ҳам 200 тоннадан ошириб пахта терган эди. Бу йилги марраси тағин ҳам юксак. У «пўлат этак»лардан 250 тонна «оқ олтин» тўкишга сўз берган.

Рустам Абдураззоқов мазкур хўжаликда қарийб 8 йилдан бери «зангори кема» бошқармоқда. Техникани пухта эгаллаб олгани, агрегатни ўз вақтида ремонт қилгани туфайли гоятда унумли меҳнат қилишга эришаётир. Колхоз механизаторлари моҳир механик-ҳайдовчидан ибрат олиб, теримда ўрнак кўрсатмоқдалар. **Суратда: Р. Абдураззоқов.**

Ж. Тўраев фотоси.

ГАГАРИНЛИКЛАРНИНГ ЗАРБДОР МЕҲНАТИ

Гагарин районининг қишлоқ меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира борнб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган мусобақанн кенг авж олдириб, дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда бажардилар. Ватан район деҳқонларидан 27,9 минг тонна дон қабул қилиб олди. Бу эса ўтган йилдагидан 31 процент кўпдир.

Район шолиқорлари катта муваффақиятга эришдилар. Улар ҳар гектар ердан 55 центнер дон йиғиштириб олиб, давлатга 20 минг тонна шолн топширдилар. Ўтган йилдагига нисбатан «мерварид дон» тайёрлаш ҳажми беш минг тонна кўпайди. Бу эса озиқ-овқат программасини амалга оширишга ижобий ҳисса қўшишга интилаётган деҳқонларнинг зарбдор меҳнати натижасидир. «Искра» совхозидан Ленин комсомолн мукофоти лауреати Саодат Элмуродова бошлиқ бригада, топшириқни анча ошириб бажарган бошқа шолиқорлик коллективлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Район ғаллакорлари беш йиллик программани уч йилда бажаришга қарор қилдилар Келгуси йилнинг ўзидаёқ дон етиштиришни 45 минг тоннага, шу жумладан шолн етиштиришни 40 минг тоннага етказишни мўлжаллаб қўйилди «Пограничник» совхозининг донсдор бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съездининг делегати Эшмамат Бўриевнинг ташаббуси хўжаликларда кенг қулоч ёзди. У бошлиқ коллектив 200 гектар майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан бошоқли экинлар дони ва 100 центнердан махкажўхори дони олишга қарор қилди.

Район меҳнаткашлари сабзавот, мева, картошка, жун, пилла етиштириш ва тайёрлаш план ҳамда мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Гўшт, тухум тайёрлаш йиллик планлари оширнб адо этилди. Бу йил районда чорва туёғнни, айниқса сигирларни анча кўпайтиришга, гўштга топшириладнган қорамолнинг тирик вазнини 452 килограммга, чўчқалар вазнини 124 килограммга, қўйлар вазнини 50 килограммгача етказишга қарор қилинди.

Ҳозир районда пахта тайёрлаш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Гагаринликларнинг социалистик мажбуриятида бу йил 80 минг тонна «оқ олтин» етиштириш кўзда тутилган. Бу ҳосилнинг 55 минг тоннасини пахтанинг ингичка толали навлари ташкил этади. Ҳосилнинг асосий қисми—87 процентн машиналар ёрдамида териб олинади. Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта тайёрлаш планини 20 октябрда, социалистик мажбуриятларни эса 7 ноябрга бажаришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 1981 йил 29 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг XXXVI сессиясида «Инсониятнинг муштарак бойлиги — тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб» деган мавзуда сўзлаган нутқи алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКО МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БМТ Бош Ассамблеясининг XXXVI сессиясида совет делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 2 октябрь куни Москвага қайтиб келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

2 ОКТЯБРЬ ЭРТАЛАБГАЧА РЕСПУБЛИКАДА 2.162.314 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 109,141 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. АНА ШУ КУНГАЧА МАШИНАЛАР ЕРДАМИДА 970.166 ТОННА ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

Бу йилги йиғим-теримда кунлик ўсиш биринчи мартa 3 процентга етди. Бир суткада топширилган хом ашё 174.837 тоннани ташкил этди.

Йиғим-терим суръатини бутун чоралар билан жадаллаштирайлик! Машиналар юксак унум билан ишлатилсин, теримчилар мусобақасини янада қизитайлик!

Хом ашё тайёрлашнинг юқори кунлик ўсишини таъминлаётган Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Наманган областлари хўжаликларида йиғим-терим ишлари худди ана шундай ташкил этилган.

Байроқдор областлар, районлар, хўжаликлардан ўрнак олинг!

Вақт ҳосил йиғим-теримида энг муҳим ҳал қилувчи омилдир. Йилнинг якуни мавсумнинг ҳар бир куни ва соатидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Октябрь ойи об-ҳавоси прогнозлари анча ташвишли. Ойнинг охирги ўн кунлигида об-ҳавонинг айниши, совуқ тушиши кутилади.

Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Андижон областларининг пахтакорлари буни ҳисобга олишлари зарур. Чунки бу областларда терим суръати республиканикидан паст.

РОМИТАНЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Бухоро областининг Ромитан районидан янги хушхабар келди. Район механизаторлари республикада биринчи бўлиб машина терими планини уддаладилар. Қабул пунктларига машиналарда териб олинган 33 минг тонна «оқ олтин» жўнатилди. Бу яллн ҳосилнинг 80 процентини ташкил этади.

Областнинг Ғиждувон, Когон, Пешку районларида механизаторлар меҳнати пухта ташкил этилаётир. Бу районларда ҳар бкр машиканинг кунлик иш унуми 7—8 тоннани ташкил этмоқда. «Ромитан» совхозида механик-ҳайдовчилар мусобақасининг ғолиби Аҳмад Ҳамроев шарафига Қизил байроқ кўтарилди. У бир кунда 22 тонна, мавсум бошидан буён эса 300 тонна «оқ олтин» теришга эришди.

* * *

Тошкент областида машина теримида Бўка, Коммунистик ва Ғалаба районларининг дала гвардиячилари дадил карвонбошилик қилишмоқда. Бу районларда ҳар куни тайёрланаётган ҳом ашё 7,5—8 процентдан ошяпти.

Урта Чирчиқ районн механизаторлари агрегатларининг энг юқори иш унумига эришаётирлар: Бу ерда 295 терим машинаси ҳар бирининг кунлик иш унуми 8,5 тоннага тўғри келяпти. Бекобод районида эса 406 машинанинг ҳар бири бирлан ўртача 8,3 тоннадан пахта терилаётир.

Бекобод районидаги Ленин номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Адолат Рўзиматова бошлиқ бригадаси дастлабки довонни эгаллади.

* * *

Октябрнинг биринчи куни Жиззах области далаларида 3255 машина ишлатилди ва улар ёрдамида 13.039 тонна пахта териб олинди. Мирзачўл районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг механизатори Ширинбой Асроров бир кунда 16 тонна пахта териб энг юқори кўрсаткичга эришди.

Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоздан Отамурод Жамшитов, Даллнбой Турдиев бошлиқ бригадаларнинг заршуносларн социалистик мажбуриятни ҳам бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Сирдарё области пахтакорлари асосан техникага таянib иш кўрмоқдалар. 1 октябрь куни далаларда 3519 агрегат ишлатилди. Ворошилов районида ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми 9,9 тоннани ташкил этди. Механизатордар мусобақасига Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозининг механик-ҳайдовчиси Абдулла Элмуродов карвонбошилик қилаётир. У кунига 20 тоннадан пахта термоқда.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг механизаторлари эр-хотин Рўзиевлар мавсум бошида икки қаторли машина билан 500 тонна «оқ олтин» теришга сўз берган эдилар. Маҳбуба ва Аранбой ўз агрегатларини юксак унумларда ишлатиб, бу кунгача 300 тонна пахта тердилар.

* * *

Наманган районн механик-ҳайдовчилари ҳосил йиғим-теримида унум билан ишлашаётир. 1 октябрь куни 160 та агрегат бункерларидан 953 тонна «оқ олтин» бўшатилдн. Ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми 5,9 тоннани ташкил этди. «Коммунизм» ва Оржоникидзе номли колхозларда эса бу кўрсаткич 8 тоннагача етказилди.

Норин районидаги Калинин номли колхозда Машрабхон Мамажокова шарафига байроқ кўтерилди. Чевар терimчи бир кунда 265 килограмм дурдона терди.

БИР КУНДА 33 ТОННА

Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхоздан Файзисевлар оилавий экипажи 250 тонна пахта терди. Мастура Файзиева ва унинг сингиллари Зебо ва Муҳаббат, укаси Қаноатлардан иборат оилавий звено мавсумда 1700 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган. Ҳозир улар кунига 33 тоннадан пахта топшираётир.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

СССР Конституцияси кунини мукосиб кутиб олиш учун ҳаракат қилаётган Эллиққалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Искандар Қаландаров, Жумабой Ражабов ва Азимбой Жумабоев сингари механизаторлари агрегатлар бункеридан кунига 9—10 тоннадан дурдона бўшатмоқдалар.

* * *

Янгариқ районн «зангори кема» капитанлари «Москва» колхозининг механизатори Юсуфбой Аниёзога тенглашишга интилмоқдалар. Бу пешқадам механизатор ҳар куни 10 тоннадан пахта тераётир.

Қўл теримда район бўйича Чапаев номли колхоздан Сора Болтаева пешқадамлик қилаётир. У кунига 240—250 килограмм дурдона термоқда.

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Қўйли Каримов бошлиқ бригадаси биринчилар қаторида йиллик планни бажарди. Гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» олинди. Бу бригаданинг мажбурияти — гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтариш.

Қўл теримида Пайариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз теримчиси Хосият Мусурмонова катта муваффақиятларга эришяпти. У ҳар куни эл хирмонига 300 килограммдан оширнб дурдона топшираётир.

ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН РЕЗЕРВЛАР

Қорақалпоғистон АССРда 3081 машинанинг фақат 848 таси далаларга чиқарилган. Бунинг устига улардан гоят унумсиз фойдаланилаётир. Агрегатларнинг кунлик иш унуми атиги 3,1 тоннани ташкил этмоқда.

Самарқанд областида мавжуд 3110 машинанинг фақат 865 таси билан пахта терилмоқда. Агрегатларнинг иш унуми республиканинг ўртача кўрсаткичидан 1.5 баравар паст бўляпти.

Фарғона областида қўл терими яхши ташкил этилмаётир. Бу ерда ҳар бир теримчи ҳисобига кунига 20,9 килограмм пахта тўғри келмоқда. Бу республиканинг ўртача кўрсаткичидан қарийб икки баравар камдир.

Куз сусткашлнкни кечирмайди. Барча резервларни ишга солайлик!

СУСТКАШЛИК ҚАЧОНГАЧА?

БИЗНИНГ ТАҲЛИЛ

«Тошкент технологияси» ижодкорлари — пойтахт области пахтакорлари ғаниматфурсатининг қадрига етиб, йиғим-теримни жадаллик билан давом эттирмоқдалар.

Кейинги ўн кунликда Сирдарё областининг Ильич, Тошкент областининг Ғалаба, Андижон областининг Комсомолобод, Наманган областининг Тўрақўрғон, Қашқадарё областининг Китоб районларн пахта тайёрлашда айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Лекин ҳамма имкониятлар бўла турнб, теримда сусткашлик қилаётган районлар, колхозлар, совхозлар ҳам ҳали кўп. Бунга сабаб шукн, барча ишчи кучлари, техника воситалари, ички резервлар дала ишларига тўла сафарбар этилмаяпти. Айниқса дефолиация вақтида ва сифатли ўтказилмаганлиги машиналар йўлига ғов бўляпти.

Қорақалпоғистон АССРнинг Чимбой районида [район партия комитетининг биринчи секретари Х. Жумамуротов] машина термнига ажратилган майдонлардан 2.400 гектарида ҳали дефолиация тўла тугалланган эмас. Ленинобод районида шундай майдонлар 1.000 гектарни ташкил этади. Қораўзак, Қўнғирот районларида ҳам теримда судралиш юз бераётган экан, раҳбар ўртоқларнинг консерваторлик кайфиятлари, «зангори кема»ларнинг ҳақиқий қудратига етарли баҳо бера билмасликлари бунга сабаб бўляпти.

Китоб районн ярим довондан ошди. Теримчилар ҳам, механизаторлар ҳам гайрат отига қамчи босяпти. Пахтаси мўл, техникаси кўп ҳисобланиб колинган Усмон Юсупов районн ҳали 30 процентли марраснга ҳам етганн йўқ. Район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳмудов ва бошқа раҳбар ўртоқлар қачон олтиндан қиммат фурсатнинг қадрига етар эканлар-у, қачон ваъдага вафо қнларканлар!

Тўрақўрғон районн билан Косонсой районн об-ҳаво ва иқлим жиҳатдан бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Ҳар икки районда ҳам юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада юқорн ҳосил етиштирилдн. Лекин теримда Тўрақўрғон олдинда боряпти. Косонсой районн [район партия комитетининг биринчи секретари С. Каримов] нмкллаб орқада қоляпти. Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ваъда эмас, пахта тарозиси босишнн, тез ва тоза терилган пахтагина юз шувутликни ювишини унутмасликлари, қолоқликни зудлик билан тугатишга қаратилган чоралар кўришлари керак.

Пайариқ, Жомбой районлари [район партия комитетлари биринчи секретарлари Х. Сайдиев ва И. Умурзоқов ўртоқлар] на фақат пахта тайёрлашда судраляпти, айни кезда Самарқанд областининг суръатига тўғаноқ бўляпти. Бу районларнинг раҳбарлари аввалнга «Дефолиацнянн кечиктириб хатога йўл қўйдик» деб юришди. Энди эса «Эртага машкаларни ишга соламиз, суръатни кўтарамиз» деб вазъабозликдан нарига ўта олишмаяпти. Ўзларн эътирсф этганлеридек, мажбуриятларни қоплайдиган даражада етиштирилган пахта ҳозир терилмаса, қачон терилади! Ғаннмат дамлар ўтиб боряпти-ку.

Бундай жиддий нуқсонлар анчайин районлар, колхозлар ва совхозларда ҳам бсряпти. Ҳосил тақдирн ҳал қилинадиган, пахтакорнинг бир йиллик меҳнатига якун ясаладиган, йиғим-терим мнсли кўрилмаган даражада қизитиладиган ҳозирги кунларда бсгамлик, бепарволик, ўзнбўларчилик, масъулиятсизлик ҳнс қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бнз планлар ва мажбуриятларнинг тақдирн учун курашяпмиз, дейишлари мумкин ўша раҳбар ўртоқлар. Ундай бўлса, сентябрь ойининг бошмандасини қачон узасиз! Октябрь ойи графнги, пахта тайёрлаш планн ва мажбуриятнн қачон бажарасиз! Сусткашликка қачон барҳам бересиз! Бу саволларга республика жамоатчилнги жавоб кутади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

МУҚАДДАС ТОПШИРИҚ

«Коммунизм» колхози партия комитети ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда коммунистлар ташаббускорлиги ва куч-ғайратига таянмоқда. Уларни эса партия топшириқлари бериб бориш, шу топшириқларни бажаришга масъулият билан ёндашиш руҳида тарбияламоқда. Партия топшириқлари коммунистларга, уларнинг савияси, ҳаёт ва иш тажрибаси, қобилияти аниқ ҳисобга олинган ҳолда берилмоқда. Шу билан бирга топшириқнинг муҳимлиги, уни қандай қилиб тез ва соз бажариш йўллари, бундан кутилган мақсад ҳар томонлама тушунтириб берилмоқда. Партком секретари Т. Юсупов бу борада тўпланган тажрибалар ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Партия ташкилоти ҳисобидаги қарийб 150 коммунистнинг ҳаммаси партия топшириғига эга. Цех партия ташкилотларининг умумий йиғилишларида ҳар бир коммунистнинг топшириқни қандай бажараётгани ҳақида вақти-вақти билан ҳисоботи эшитиб турилади. Шундай қилиб, партия топшириғининг тарбия мактаби сифатидаги роли ошиб бормоқда, коммунистнинг ташкилот ҳаётида актив қатнашишга эришилмоқда.

Зайниддин Эшназаров колхознинг етук мутахассисларидан, бой ҳаёт тажрибасига эга. Агрономия, биология фанлари ютуқларини қизиқиш билан кузатиб боради, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда фаол қатнашади. Шуни назарда тутиб, партия комитети унга колхозчилар ўртасида агробиология ўқувини олиб боришни топширди. У бунга чуқур масъулият билан ёндашмоқда. Ишчан коммунист айни пайтда хўжаликда сифат комиссиясини ҳам бошқаряпти.

Эшназаров меҳнатда ва жамоат ишларида чиниқиш мактабини колхоз партия ташкилотида ўтади. Бундан тўрт йил илгариги воқеани колхоз коммунистлари ҳамон яхши эслашади. Ўшанда Қутчи массивида янги ер ўзлаштириш масаласи кўтарилганди. Партия ташкилоти бу оғир, лекин шарафли ишни бошқара оладиган коммунистни танлаши лозим эди. У сира иккиланмай Зайниддин Эшназаров номзодини кўрсатди. Чунки Эшназаров 20 йилдан буён колхозда ишларди, партия ташкилоти унга бир неча марта масъулиятли топшириқлар бериб, синаб кўрганди.

Коммунист Эшназаров «Мен участка агрономлигини ҳеч қандай ишга алмашмайман, иссиқ ўринимни совитмайман». — демади, балки масаланинг моҳиятини, топшириқнинг масъулиятини тушунган ҳолда ишга киришди. Мутахассис сифатида билимини, раҳбар сифатида ташкилотчилик қобилиятини, коммунист сифатида жўшқин куч-ғайратини колхоз ишлаб чиқаришига қаратди. 2—3 йилда қарийб 500 гектар янги ер очилиб, пахта, маккажўхори, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирила бошланди.

Ўтган йили З. Эшназаровга янги массивда мевазор ташкил этиш топширилган эди. Мана, ҳозир богда дарахтлар кўкариб, шакл олди. 20 гектарлик «Коммунизм боғи» келгуси йили меҳнаткашлар дастурхонини безайди.

Кейинги йилларда хўжалик Шўркўл ва Ўртачўл массивларидан анчагина янги ерлар ўзлаштирди. Аммо улардан фойдаланишга келганда дуруст самара кўрилмади. Партия ташкилоти бунга ҳам эътибор берди. Маслаҳатлашиб, янги ерлар масъулиятини коммунист Ҳайдар Рўзиев зиммасига юклашга қарор қилинди. Рўзиев ишга жон-дилдан киришди, деҳқонларнинг бошини қовуштириб, куч-ғайратини аниқ мақсад сари йўналтирди. Натижада янги ерлар унумдорлиги ортди, мўл-кўл сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, план ҳамда социалистик мажбуриятлар оширib бажарилди.

Колхоз партия комитети кейинги йилларда ишлаб чиқариш масалалари билан жиддий ва чуқур шуғулланадиган бўлиб қолди. Энг мураккаб муаммоларни ҳал этишда коммунистларнинг ташкилотчилик қобилиятидан, билим ва тажрибаларидан тўлароқ фойдаланишга интилмоқда.

Маълумки, алмашлаб экиш системаси мўл ҳосил гарови. Бироқ колхозда бу масалада сусткашликка йўл қўйилаётган эди. Агроном, ёш коммунист Исмат Файзиев баъзан қатъийлик кўрсата олмасди. Парткомда шу хусусда гап кетди. Ҳамма бир овоздан агрономнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида экин ерлари ҳосилдорлигини ошириш вазифасини тўла-тўкис унинг зиммасига юклади ва ўтган давр ичида бир неча марта ҳисоботини тинглади. Айни пайтда хўжаликда алмашлаб экиш қатъий изга солинди.

Партия топшириқларини виждонан бажараётган коммунистлар ҳақида сўз очилгудек бўлса, колхозда биринчилар қаторида экономист Яҳёқул Расулов, илғор сут соғувчи Эргашоб Болтаева, бузоқбоқар Шариф Ҳамроевларнинг номлари тилга олинади. Ана шундай коммунистларнинг ғайратшижоати туфайли колхоз ишлаб чиқариши ривож топмоқда.

Партиявий-ташкилий ишларнинг, хусусан, партия топшириғига муносабатнинг яхши йўлга қўйилганлиги фақат коммунистларнинг эмас, балки улар етакчилигидаги бутун коллективнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш имконини бермоқда. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди, унумдорлик ортди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини яхшилашда сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Хўжалик пахтакорлари бу йил 10 минг тоннадик пахта хирмони уюштиёқида социалистик мусобақани қизитиб ишламоқдалар. Айни кунларда Ҳожиқурбон Отабоев, Мухтор Аҳмедов, Даврон Ботиров, Мухтор Орипов ва бошқа коммунистлар ҳамда партиясиз активлар бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш суръати кун сайин кўтарилмоқда. Яқин кунларда 34 та терим машинасининг ҳаммаси ишга тушади. Розия Бекова, Азим Сафаров, Луқмон Файзиев каби механизаторлар ўз агрегатлари билан 180—200 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилганлар. Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг меҳнатда ва жамоат ишларида авангардлигини таъминлаш йўлида барча воситалардан ва имкониятлардан фойдаланмоқда.

А. ОТАЕВ.
Ғиждувон райони.

ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

Партия ва совет ходимларининг малакасини ошириш республикалараро курсларида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари шаҳар, шаҳарлардаги район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, Марказий Комитетлари ва область комитетларининг пропаганда ва агитация, фан ва ўқув юртлари, маданият, чет эллар билан алоқа бўлимлари масъул ходимларининг машғулотлари тугади. Бир ой мобайнида улар учун коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси ривожланган социализм даврида КПСС иқтисодий сиёсати, партия ва Совет давлатининг халқаро фаолияти, ҳозирги босқичда жаҳон революцион жараёнининг ривожланишига доир актуал масалалар юзасидан лекциялар туркуми ўқилди. Машғулотларда партия ташкилотларининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларини янада яхшилаш юзасидан партия XXVI съезди қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳам кўриб чиқилди.

Республика партия, совет, касаба союз органларининг масъул ходимлари, етакчи олимлари тингловчилар ҳузурида лекция ўқидилар.

Курсларнинг тингловчилари тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

«ЛЕНИН ЙЎЛИДАН»

2 октябрь куни Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида «Ленин йўлидан» мавзуидаги кўргазма очилди. Кўргазманинг кўпгина экспонатларида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ривожланиш босқичлари акс эттирилган. Экспозицияни СССР Революция марказий музейи тайёрлаган. Кўргазмага совет халқи революцион, жанговар ва меҳнат шуҳратини акс эттирувчи кўпгина нодир буюмлар қўйилган. Махсус фотоочерк Ленин ишининг содиқ давом эттирувчиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Кўргазма бўлимлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошираётган мамлакат халқларининг қардошларча дўстлиги тўғрисида, СССР Конституцияси гарантиялаган социалистик демократиянинг ривожланиши ҳақида, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати тўғрисида ҳикоя қилади. (ЎзТАГ).

ЗАРБДОР ВАХТА ДАВОМ ЭТМОҚДА

МУБОРАК ГАЗ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИ МУХБИРЛАР ПУНКТИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА УЗТАГ МУХБИРЛАР ПУНКТИНИНГ 29-ХАБАРИ

Пил охиригача ҳали бутун бир квартал бор. Лекин Муборак газни қайта ишлаш заводида асосий фондларни ишга солиш йиллик плани бажариб қўйилди: жами қиммати 31 миллион сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари ишга солинди. Капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари юзасидан белгиланган йиллик топшириқлар ҳам ошириб бажарилди. Зарбдор вахта давом этмоқда.

— Ҳозир ишлар мисли кўрилмаган юксак суръат билан бормоқда, — дейди «Союзузбекгазпром» бошлиғининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети мукофотининг лауреати А. Эргашев. — Қурувчилар ва монтажчиларни кўпайтирмаган ҳолда, тоятда келишиб ишлаш, куч-қувватларни ҳал қилувчи участкаларга миришкорлик билан солиш ҳисобининг ўзи билангина графикдан ўзиб кетилди.

БАРВАҚТ ҚУРИЛДИ — БАРВАҚТ УЗЛАШТИРИЛДИ

Заводнинг сентябрь бошларида ишга тушган учинчи навбатида газ тозаловчи иккинчи блок бир ойга ҳам бормасдан лойиҳадаги қувватга чиқарилди. Нормага кўра, бу ишни бажариш учун бутун бир квартал кўзда тутилганди. Мамлакат бу ердан ўнлаб миллион кубометр газ, минглаб тонна олтингугурт олди. Ҳозир завод бир суткада 1000 тонна олтингугурт беряпти. Ўн йил давомида илк бор ана шу маррага чиқилди.

Энди сўнгги 1-блок ишга тушириш учун тайёрланмоқда. У икки ойдан сал кўпроқ вақт ичида қуриб битказилди. Бу рекорд даражада қисқа муддатдир. Бошқа объектлар тез битганлигидан қурувчи ва монтажчиларнинг бутун кучларини бу ерга йиғиш, конвейер ташкил этиш мумкин бўлди.

КОМПРЕССОРЛАР ИШГА ТАЙЁР

Монтажчилар ва созловчилар еттита турбинанинг ҳаммасини синаб кўрдилар, мой найларини юритириб кўрдилар, герметик камераларни тозаладилар — уларда биронта ҳам чанг қолгани йўқ. Автоматлар, контрол приборлар созлаб чиқилди. Куйбишев шаҳридан келган мутахассислар станцияни совуқ ҳолда юргизиб кўра бошладилар. Айни маҳалда у газ қувурига уланмоқда.

Ўтган хабарда компрессорхона учун кадрлар етиштирганлиги айтилганди. Энди ишлатувчилар вахтаси батамом таъминланди.

Станция истеъмолчиларга юборилган тозаланган газни суткасига 10—15 миллион кубометр кўпайтиришга имкон беради.

ТАНҚИДДАН СЎНГ ТЕЗРОҚ БИТКАЗИЛСИН

Тўртта оёғига тиралиб олган кучли гилдиракли кран 120 тоннали трансформаторни ушлади. Уни иккинчи томондан иккита «катерпиллер» ушлади. Улар стропалшчикнинг дирижерлик сигналларига бўйсуниб, каттакон трансформаторни кўтарди, «Ураган» машинаси трайлерни тортди. Шундай қилиб, трансформатор ерга оҳиста туширилди.

Аниқ инженерлик ҳисоби ва ишчилар маҳорати туфайли қурилаётган 220 киловольт кучланишли тақсимот қурилмаси майдонига трансформаторни келтириш операциясини муваффақиятли бажариш мумкин бўлди. Лекин... фундамент тайёр эмас эди.

Лекин бу участкада янги қозонхонадаги тўртинчи қозон тузук қурилмоқда, — қурувчилар уни октябрда битказиб топширишмоқчи. Аммо дастлабки учта қозон камчиликлари ҳамон сусткашлик билан йўқотилмоқда, холбуки қиш яқинлашиб қолди. Конденсат йиғиладиган майдон қурилишини ҳам тезлатиш керак.

УЙ-ЖОЙЛАР ТЕЗРОҚ БИТКАЗИЛСИН

Муборак чеккасидаги «Факел» посёлкасида икки квартирали 16 та коттежни тайёр деса бўлади. Аммо заводнинг уй-жой қурилиши бўйича директор ўринбосари С. Торосов бу уйларга кўчиб кириб бўлмайди, деди: иш сифати паст. Энг муҳими эса сантехника ўрнатилмаган, водопровод киритилмаган. Бош пудратчилар — Ўзбекистон Қишлоқ қурилиши министрлигининг 19-трести билан «Кашкадарьяводстрой» бу ерга сантехник ва водопроводчиклар бригадаларини юбориш кераклиги тўғрисидаги кўпдан-кўп илтимосларга лом-мим демай келяпти. Ҳаво совиб боряпти. Уйга кўз тикканлар ҳамон кутишяпти. Чунончи, газчиларнинг ўзлари ҳам киши тушуниб бўлмайдиган бепарволик қилишяпти. «Факел» посёлкасига ҳануз газ келтирилмаганлиги учун «Узбекгазификация» трестининг учинчи бошқармаси жавобгардир. Бу орада республика Қишлоқ қурилиши министрлигининг 13-трести канализация станцияси билан коллектор қуришни тўхтатиб турибди. Бу объектларда иш олиб борилмаяпти. деса бўлади. Шулар ҳам тайёр уйларга кўчиб киришни тўхтатиши мумкин.

М. КАРОМОВ,
В. ПЕТРОВ,
В. ШУМАИЛОВ,
Ю. КРУЖИЛИН,
А. СКОРОБОГАТОВ.



Таниш: коммунист Элмурод Тиркашев. Олмалиқ мис эритиш заводининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори. Моҳир мисгар беш йиллик топшириқларини тўрт йилда уддалашга сўз берган. Айни кунларда у 1982 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

В. Сироткин фотоси.

ЎҚИТУВЧИЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНАДИ

Республика шаҳар ва қишлоқларига шодиёна байрам келди. Ўзбекистон мактабларининг ўқувчилари ўз устозларини Ўқитувчилар куни билан табриклаб, уларга сиқатсаломатлик, ишларида катта муваффақиятлар тиламоқдалар.

Мамлакатимизда ўқитувчининг олижаноб меҳнати қадрланади. Ўртоқ Л. И. Брежнев педагогларни «Совет жамиятининг ифтихори» деб атади. Ўзбекистон мактабларида 250 мингга яқин ўқитувчи ишлайди, улар ёш авлодга совет Ватанига, Коммунистик партияга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқдалар, ёшларни коммунизмнинг муносиб қурувчилари бўлиб етишишга ўргатадилар.

2 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Ўқитувчилар кунига бағишланди. Ўқитувчиларнинг кўпминг кишилик армияси КПСС XXVI съезди талаблари асосида ўқувчи ёшларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш ишини такомиллаштираётганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари ҳамда актив жамоат иши учун ўқитувчиларга, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари ходимлари, халқ маорифи системаси раҳбар ходимларидан 30 кишига **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** ва халқ маорифи ходимларидан 125 кишига **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** Фахрий унвонлари берди.

Халқ маорифи ходимларидан катта группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республика фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги фармонлари «Ўқитувчилар газетаси» — «Учитель Узбекистана», «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» ва область газеталарида эълон қилинади.

ДАВЛАТ БАНКИ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

СССР давлат банки ва унинг жойлардаги органлари экономиканинг социалистик укладини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, мамлакатнинг хўжалик проблемаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Давлат банки пул ишлаб чиқариш ва унинг муомалада бўлиши устидан, пул оборотини, кредит бериш ва ҳисоб-китобларни тартибга солиш устидан Умумиттифоқ контролери сифатида беш йиллик план топшириқлари муваффақиятли бажарилишига ёрдам бермоқда. Тежамкорлик режими бутун чоралар билан мустаҳкамланмоқда.

2 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш СССР давлат банкининг 60 йиллигига бағишланди. Давлат банки Ўзбекистон республика комрасининг бошқарувчиси Ш. Е. Еқубов совет банки органларининг юбилейи тўғрисида, партия ва Совет давлатининг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги муваффақиятлар ҳақида, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги вазифалар тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚИШЛОҚЛАР ОБОДОНЛАШМОҚДА

«Ўзбекистон» совхозида истиқомат қилувчи бир группа газетхонлардан олинган мактубда Гулистон қишлоғида ободончиликка етарли эътибор берилмаётганлиги баён қилинган эди. Мактуб ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУМҚЎРҒОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА юборилди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Гулистон қишлоғини ободонлаштириш ва йўлларни тартибга келтириш масаласи совхоз директсияси ва қишлоқ Советида кўриб чиқилиб, тадбирлар белгиланди. 1,5 километр йўлга шағал тўкиб текисланди. Қишлоқни янада ободонлаштириш чоралари кўриляпти.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«III Интернационал» совхози территориясидаги Қамаши қишлоғида яшовчи бир группа кишилардан олинган шикоят хатда «Сардоба» ёдгорлигининг ремонт қилинмаганлиги, клуб қурилиши пайсалга солиб келинаётганлиги ҳамда район ва область марказига бориб келиш учун транспорт йўқлиги билдирилганди. Хат текшириш ва чора кўриш учун УЛЬЯНОВ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИга юборилди. У ердан олинган жавобда қуйидагилар баён қилинган:

Хатда келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Текшириш якуни Қамаши қишлоқ Совети ижроия комитети, «III Интернационал» совхози ҳамда алоқадор ташкилотлар раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Қамаши қишлоғи аҳолиси водопровод суви билан таъминланган. Бироқ кейинги йилларда «Сардоба» сувидан фойдаланилмаётганлиги сабабли унга бир оз эътиборсизлик билан қаралган. Қамаши қишлоқ Совети ижроия комитети, «III Интернационал» совхози раҳбарларига «Сардоба»ни ремонт қилиш ва асраш вазифалари топширилди.

Аҳолининг район марказига ва бошқа жойларга бориб келиши учун 88-автокорхона томонидан «Район маркази — Қамаши» маршрути бўйлаб автобус қатнови йўлга қўйилди.

Қишлоқ марказида қуриб битказилиши пайсалга солиниб келинаётган клуб масаласида мутасадди ташкилотлар — «Қаршистрой» территориал бошқармаси ҳамда шу клуб қурилишини олиб бораётган ПМК раҳбарларига шу хатгача ҳам ва шу хат келгандан кейин ҳам бир неча бор мурожаат қилинди. Ҳозирги вақтда қурилиш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта тайёрлаб, клуб биносини қуриб тугатиш чора-тадбирларини белгилаганлар.

Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз

ИЛҒОРЛАР ДАВРАСИДА

«1981 йил маҳсулот реализация қилиш планини муддатидан илгари 23 декабрда бажарамиз. Планга қўшимча 650 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришни 1980 йилга нисбатан 6,1 процент кўпайтирамиз. Меҳнат унумдорлигини 2,5 процент ошириб, ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 17,5 процентини давлат Сифат белгиси билан тайёрлашга эришамиз...»

Андижон пойабзал фабрикаси коллективи ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йили учун ана шундай юксак мажбуриятлар қабул қилган эди. Ҳўш, йилнинг тўққиз ойи ўтиб бормоқда. Корхона коллективи ўз мажбуриятларини қандай бажармоқда?

Оширилган мажбуриятнинг бажарилиши коллективнинг ғайрат-шижоатига боғлиқ. Буни яхши англаган ҳар бир ишчи кўп, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига шахсий мажбурият олди, бирбирини мусобақага чақирди. Бу эса уларда масъулият ҳиссини кучайтирди, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашга даъват этди.

Корхонанинг 135 нафар илғор ишчиси ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш ташаббуси билан чиқди ва бошқаларни ҳам шундай марраларни эгаллашга ундади. Улар орасида фабриканинг шон-шарафи учун курашда ҳамиша байроқдор бўлиб келаётган тажрибали бичиқчи Қодиржон Қўчқоров, ишнинг кўзини билган тайёрловчи Расулжон Иминов, омилкор пойабзалчилардан Санобар Хўжамбердиева, Қувватали Умаров ва бошқалар бор.

— Ташаббус билан майдонга чиққанингдан кейин ҳаммангнинг нигоҳи сендадир, — дейди Қодиржон Қўчқоров. — Коллектив ишончини оқлаш учун астойдил курашяпмиз. Бутун фикри-зикримиз мажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратилган. Мен ва ташаббускор дўстларим кунлик нормани муттасил икки ҳиссадан ошириб бажариш билан бирга маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ юқори сифатга топширмоқдамиз. Ҳозир биз 1982 йилнинг август ойи ҳисобига ишлаяпмиз. Бу муваффақиятларда ҳеч қандай сир йўқ. Иш вақтидан тўғри фойдаланишда кўп йиллик тажрибамиз, шунингдек маҳоратимиз қўл келмоқда.

Шуниси қувончлики, фабрикамиздаги ҳамма ишчи илғорлик сари дадил интилмоқда. Фабрикамиз бўйича 500 дан зиёд киши вақтдан ўзиб меҳнат қилаётир. 15 ишчи беш йиллик планини уч йилда, 56 киши тўрт йилда бажаришга сўз берди. Тайёрловчи Муқаддам Абдураҳмонова, Антонина Яшина, Абдулла Ҳасанов, бичиқчи Воҳид Насриддинов, пойабзалчи Пўлат Умаров ўн бешлар ташаббусига қўшилди. Муҳаррам Раҳимова, Антонина Бородина бошлиқ бригадалар «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Улар йил охиригача планга қўшимча 30 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб беришга аҳду паймон қилдилар. Абдукарим Эгамбердиев бригадаси ростовликлар методи асосида қолоқларсиз ишлаб, тўққиз ойда пландан ташқари 10 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарди. Илғор бригада коллективи йил охиригача планга қўшимча яна 4 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Корхонада маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш илғорлар тажрибасини кенг қўллаш, меҳнатни бригада усулида ташкил этиш юзасидан бошланган мусобақа яхши самара берди. Фабрикада 24 хил оёқ кийими ишлаб чиқарилади. Шундан 11 хилига Сифат белгиси берилган. Бу ерда сифатни бошқариш системаси жорий этилган. Маҳсулот сифати қатъий назорат қилиб борилади. Савдо тармоқлари билан яқиндан алоқа боғлаш, уларнинг талабини ўрганиб бориш оёқ кийимлари сифатини яхшилаш ва турини янгилаш имконини бераётир.

Фабрика коллективи йил бошидан буён тўрт турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, шундан икки хил моделдаги пойабзалга Сифат белгиси олишга эришди. Фабрикада Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани 102 процент бажарилди. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 2 миллион 493 минг сўмлиги давлат Сифат белгиси билан тайёрланди. Юқори сифат категориясида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўрт процент кўпайди.

Умуман, фабрикада тўққиз ойлик план ортиғи билан бажарилди. Маҳсулот реализация қилиш плани 104,3 процент адо этилди. 8 ойда 10 миллион 531 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу, пландагидан 434 минг сўмлик кўп. План ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 101,5 процент, товар маҳсулоти бўйича 102,1 процент, пойабзал тайёрлаш бўйича 102,6 процент уддаланди. Корхонада меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ташаббускорлик ҳаракатини кенгайтириш ҳисобига ўтган 9 ойга қабул қилинган социалистик мажбуриятга қўшимча 54 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги ортди.

— Фабрикамиз коллективи фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш соҳасида ҳам кўп ишлар қилди,— дейди фабрика директори Патиддин Шермatов, — Ўтган беш йилликда юздан ортиқ янги модел ўзлаштирилди, бичиқчилик ишларининг 20 та илғор усули, 5 та механизациялашган поток линия, янги турдаги 6 та тортиш ускунаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада 418 миллион квадрат дециметр чарм материал, 132 минг киловатт-соат электр энергия тежаб қолинди.

Шу йилнинг бошидан буён эса 12 та технологик ускуна, 8 та оёқ кийими тикадиган, 3 та пардозлаш машинаси ўрнатилди. Шу ҳисобдан 27 минг сўм иқтисодий фойда олдик.

—1981 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятда ишчиларни ғоявий чиниқтириш масаласига алоҳида ўрин берилган, —дейди директор ўз ҳикоясини давом эттириб, — йилнинг ўтган саккиз ойида 168 киши ишчилар сафига келиб қўшилди. 210 ёш ишчи ўз малакасини оширди. 175 ишчи коммунистик меҳнат мактабида ўқимоқда. Ёшларни ишчи анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ўз касбига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида мураббийлар катта роль ўйнаётир. Улар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларини шогирдларига қунт билан ўргатаётирлар.

Фабриканинг филиаллари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Корхонанинг Пойтуғ филиали йилига 500 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқаради. Избоскан районидаги Тўрткўл қишлоғида ҳам фабриканинг янги филиали очилди. У йилига 80 минг жуфт пойабзал тайёрлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун фабрикани тезроқ реконструкциядан чиқариш керак. Бу муҳим иш областдаги 24-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна коллективига топширилган. Лекин колонна коллективи реконструкциялаш ишларини ўринсиз равишда чўзиб юбормоқда. Масалан, колонна коллективи ўтган йили 900 минг сўмлик ўрнига 186 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди, холос. Бу йил ҳам ишда ўзгариш йўқ. 1981 йил учун ажратилган 1 миллион 100 минг сўмлик маблағнинг энди 66 минг сўми ўзлаштирилди. Агар иш шу суръат билан давом этса, фабрикани реконструкциялаш яна бир неча йилга чўзилиб кетиши табиийдир. Модомики шундай экан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ва 24-қурилиш трести маъмурияти бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришлари керак.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хатирчи райони давлатга 80 минг тонна «оқ олтин» сотади. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 42 центнерга кўтарилади. Пахтанинг 80 проценти машиналарда терилади. «Зангори кема»лар теримга тушди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида пахтачиликни янада интенсивлаш ва пахта сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бундай дейилган: «Республикада пахтачилик ва кишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари интенсив омиллар — колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ирригация ва мелиорацияни кенгайтириш, янги ерларни ўзлаштириш, химиялаш ва комплекс механизациялаш, техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ривожлантирилмоқда. Пахтани етиштириш ва йиғиб-териб олишнинг механизациялаштирилган технологияси ўзлаштирилиб, кенг қўлланилмоқда, ҳамма жойда пахта-беда алмашлаб экиш ўзлаштирилмоқда, деҳқончилик маданияти юксалтирилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаш ва концентрациялаш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилди».

Районимиз механизаторлари Ўзбекистон Компартияси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари—ҳаётга

МАШИНАЛАР ҚУДРАТИГА ТАЯНИБ

Марказий Комитетининг III пленуми қарорларини тўла маъқуллаш билан бирга унда белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш чораларини кўрмоқдалар. Шу ўринда пахтачиликни интенсивлаш нечоғли яхши самаралар берганини бир мисолда кўрсатиб ўтмоқчимиз. Районимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги 39 центнерга етказилди. Бултур давлатга 74 минг тонна «оқ олтин» сотилди.

Ҳосилдорликни оширишда ҳали жуда катта имкониятларимиз бор. Янги ерларни ўзлаштиришни иложи борича давом эттиряпмиз. Пахтачиликда оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни механизмлар гарданига ортяпмиз. Химизация кенг жорий этилаётир. Нисбатан паст ҳосилли бригадаларни, хўжаликларни юқори ҳосилли коллективлар даражасига кўтаришни ҳам бош вазифа қилиб қўйдик. Гектаридан 39 центнердан ҳосил берган ерларимиздан ундан ҳам кўп, сорти юқори пахта олишимиз мумкин ва лозим. Шуларни ҳисобга олиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда районимиз бўйича ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтаришга, она-Ватанга 80 минг тонна Хатирчи «оқ олтин»ини армуғон этишга қарор қилдик.

Биз ҳамиша комплекс механизацияга таяниб келдик, бундан кейин ҳам шу йўлдан бораверамиз. Сабаби, хилма-хил машиналар, механизм-агрегатлар пахтакорларимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётганини, ҳосилдорликни кўтариш билан бир қаторда сифат яхшиланишида ижобий роль ўйнаётганини ўз тажрибамизда кўриб турибмиз. Бу йил ялпи ҳосилнинг камида 80 процентини «зангори кема»ларда териб олиш тадбирларини белгиладик.

Барча хўжаликларимизда пахта терими ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошланди. Теримчиларимиз этаклар билан тўла таъминланди. Хирмон жойлар, тошгарозилар, терим билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар ўз вақтида бажарилди. Теримчиларимиз астойдил ишга киришиб, ҳар бири кунига 70-80 килограммдан 150 килограммгача ва ҳатто ундан ошириб дурдона термоқдалар. Бу пахта кўплиги ва кўсаклар яхши очилганидан нишонадир. Партия ташкилотларимиз дастлабки кунлардан бошлабоқ кўпминг килограммчи теримчиларнинг иш услубини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқдалар.

Асосий эътиборни машина теримига қаратмоқдамиз. Дефолиацияни энг яхши агротехника муддатларида ўтказдик. Зарур топилган жойларда такрор дефолиация ўтказдик.

Ҳозир ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиз машина теримини тезроқ оммавий равишда бошлаш ва қисқа муддатларда муваффақиятли тугаллашга қаратилган. Тошкент технологияси ва ипатоволиклар методи асосида 336 «зангори кема» мавсумга шайланди. Бошқа ҳил техника воситалари ҳам тахт қилиб қўйилди. Машиналарни 672 механизатор бошқаради. Механизаторлар слётини ўтказдик. Улардан ҳар бирининг фикри, мақсадини билдик, талаб ва эҳтиёжларини ўргандик. Мақсад битта — ҳар бир машинада ўртача 145 тонна «оқ олтин» терилиши таъминланади. Илғор механизаторларимиз 250—300 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Машиналарнинг икки сменада тўла қувват билан ишлаши, кунлик графиклар ортиги билан бажарилишини таъминлаш учун нималар қилиш керак бўлса, ҳаммаси муҳайё этилади. Мавсум давомида 53 та терим-транспорт отряди, 12 та техника хизмати кўрсатувчи отряд кеча-кундуз ишлайди. Машиналар билан тележкаларнинг қатнови бир-бирига тўла уйғунлаштирилади. Ҳар бир машинанинг кунлик иш унумини ўтган йилдагидан 20—25 процент кўтарилишини таъминлаш механизаторларимиз ва хизмат кўрсатувчи касб эгаларининг шарафли бурчидир. Машиналар тўла ишга туширилиши билан районимиз бўйича тайёрлов пунктларига кунига йиллик планнинг 7—8 проценти, ҳатто ундан кўп миқдорда «оқ олтин» жўнатиш мумкин бўлади.

Бу йилги ҳосил ҳар қачонгидан ҳам кўп меҳнат билан етиштирилди. Партия ва давлатимиз бизга катта ғамхўрлик кўрсатди. Бу ғамхўрликка пахтани кўпайтириш, сортини яхшилаш билан жавоб бериш шарафли бурчимиздир. Пахта давлатимизнинг энг қимматбаҳо мулки, халқимизнинг шоншуҳратидир. Шундай экан, ҳамма ва ҳар бир киши теримда актив қатнашмоғи, планлар ва мажбуриятларнинг тез бажарилишига ўзининг улушини қўшмоғи керак.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Бутун куч, техника воситалари кунлик суръатни оширишга сафарбар этилмоқда. Савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш дала шийпоналарига кўчирилди. Дала меҳнатчилари орасида социалистик мусобақа кучайтириляпти.

Терим, планлар ва мажбуриятларни бажариш — катта синов! Далаларимизда ҳосил ҳар йилгидан мўл етиштирилди. Бироқ бир оз кечики. Шунга қарамай, ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланиб, белгиланган муддатга сўзсиз етамиз. 15 октябргача пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарамиз. Лекин бу билан чекланиб қолмаймиз. Барча ҳосилни охирги граммларигача тез ва соз йиғиштириб олиб, 80 минг тонналик юксак мажбуриятимизни ҳам адо этамиз. Шундай қилиб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига катта меҳнат ғалабалари билан жавоб берамиз.

Р. МАҲМАНОВ,
Хатирчи район партия комитетининг биринчи секретари.

МАРРА — 64 ЦЕНТНЕР

Фарғона область Ленинград районидаги Энгельс номли колхознинг СССР Олий Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор Маҳбуба Насриддинова бошлиқ бригадаси коллективи дастлабки довонини эгаллади. 48 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

— Биз, — дейди ўртоқ М. Насриддинова, — гектар бошига яна 24 центнердан «оқ олтин» териб олиб, ҳосилдорликни 64 центнерга етказамиз.

Бригада пахтазорларидаги қизғин меҳнат аҳил коллективнинг иши билан сўзи бир эканидан далолат бериб турибди. Кўпминг килограммчи теримчилар мусобақасида опа-сингил Олтиной ва Сожида Тошхўжаевалар пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг шу кунгача хирмонга тўккан пахтаси 13 тоннага етди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхозда чевар теримчилар кўп. Улар кунига 130—150 килограммдан ҳатто, ундан ҳам ошириб «оқ олтин» теришга муваффақ бўлмоқдалар. Улар қаторида Суннат Тошхўжаев раҳбарлик қилаётган бригаданинг Саодат Абдуллаева, Мунис Қодирова, Шонра Алиева сингари чевар теримчилари ҳам бор. Суратда: чевар теримчи Саодат Абдуллаева.

И. Портнов фотоси.

ДАЛАДА МАИШИЙ ХИЗМАТ

Қарши дашти хўжаликларининг пахта далаларида «Аъло даражада маиший хизмат кўрсатамиз!» деган ёзувли автомашиналар тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Қашқадарё маиший хизматчилари — бу йил биринчи марта пахтакорларга ҳам амалий, ҳам маънавий ёрдам беришнинг янги формасини жорий этдилар.

Махсус жиҳозланган, бир вақтнинг ўзида 20 турда маиший хизмат кўрсата оладиган махсус 29 та сайёр автомашина ташкил этилиб колхоз ва совхозларга чиқариб юборилди. Энди сартарошлик, пойабзал, кийим-кечак ремонти ҳам дала шийпонларининг ўзида бажарилади. Ишчи ва колхозчилар истаган кийим-кечакка буюртма беришлари ёки тайёр кийимлардан хоҳлаганларини харид қилишлари мумкин.

Аҳолига маиший хизматнинг йиғим-терим мавсумида намунали равишда янги формада уюштирилиши кунига миғлаб кишиларнинг қимматли вақтини тежайди ва пахтазорларда «оқ олтин»дан тонна-тонна хирмон яратиш имконини беради.

Область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бу йил йиғим-терим мавсумида пахтакорларга қарийб 100 минг сўмлик хизмат кўрсатмоқчи.

— Бу йил мавсумда хизмат кўрсатишнинг янги формасига ўтдик, — дейди бошқарма бош инженери Баҳодир Ҳудойбердиев.

Область колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари айни шу долзарб паллада яқиндан туриб ёрдам бераётган маиший хизматчилар фаолиятидан беҳад мамнун бўлмоқдалар. Бу борада айниқса Ғузор, Косон, Қамаши, Китоб, Ульянов ва Шаҳрисабз районлари маиший хизмат ходимларининг фаолияти диққатга сазовордир.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

НАЗАРИЙ МЕХАНИКА

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчи студентлар учун назарий механика бўйича ўзбек тилида биринчи марта ўқув қўлланмаси яратилди. П. Шоҳайдарова, Ш. Шозиётов ва Ж. Зоировларнинг «Назарий механика» китоби олий техника ўқув юртларининг 204 соатлик программаси талаби асосида ёзилган бўлиб, асосан статика, кинематика ва динамика бўлимларини ўз ичига олади.

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий техникага оид билимларни мукаммал эгаллаш учун зарур бўлган механиканинг янги бўлимлари китобда ўзига хос услубда ёритилган. Жисмларнинг ҳаракати ва мувозанатига Ер айланишининг таъсири, вазнсизлик тушунчаси каби материалларнинг янги программа талаблари асосида баён этилиши дарслик қимматини янада оширган.

Ҳар бир бўлимда назарий материалларни ёритиш билан бирга шу бўлимга оид масалаларни ечиш усуллари ҳам берилган. Бу эса студентларнинг мустақил ишлашида ҳамда контроль ишларни бажаришида алоҳида аҳамиятга эга. Ўқув қўлланмасида ўзгарувчан массали жисмларнинг ҳаракати, гироскопнинг элементар назарияси, кичик тебранишлар ва зарба назарияси қисқача баён қилинган. Қўлланма охирида асосий тушунчаларнинг алфавит кўрсаткичи берилиши китобдан фойдаланишда қулайлик туғдиради. Унда янги терминлар ва Халқаро бирликлар системасидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилган.

Кичик тебранишлар ва зарба назариясига оид масалалар тағин ҳам кўпроқ ечиб кўрсатилганида фойдадан ҳоли бўлмасди. Кечки ва сиртқи бўлимларда таълим олаётган студентлар учун бу муҳим аҳамиятга эга. Китобдан олий техника ўқув юртларининг кундузги бўлими студентлари ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

А. КОМИЛЖОНОВ,
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг назарий механика кафедраси мудири.

М. ВАЛИЕВ,
Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг доценти.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

«ЁШЛИК»—КИЧКИНТОЙЛАР МАСКАНИ

Фарзандидан қўнгли тинч ота-онанинг иши ҳамиша унумли бўлади. Андижон область Жалолқудуқ районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» колхозининг «Ёшлик» болалар богчаси ишидан ота-оналар жуда мамнун. Ўерда кичкинтойларнинг ўйнаб дам олишлари учун барча шароит мавжуд. Богча замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Бу ерда айниқса озодаликка алоҳида аҳамият берилади. Оққўнгил шифокорлар кичкинтойларнинг соғлиғини муҳофаза қилиб, санитария-профилактика ишларини мунтазам ўтказиб турадилар. Фарзандлар саломатлиги оила қувончи эканини богча тарбиячилари яхши билишади.

Хўжаликда яна иккита шундай болалар богчаси ишлаб турибди.

Т. АБДУХАЛИЛОВ,
Андижон.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда Беруний районида саломатлик муассасалари тармоқлари кенгайиб бормоқда. Ўтган беш йилликда Беруний шаҳрида 240 ўринли хўжаликлараро касалхона ишга туширилиб, замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Бундан ташқари поликлиника, санаторий-профилактория ҳам фойдаланишга топширилди.

Яқинда район марказий касалхонаси қошида янги кардиология бўлими очилди. Бўлим жойлашган корпус юз ўринга эга бўлиб, унда юрак-қон томир касалликлари даволанади.

Т. ЮСУПОВ,
Қорақалпоғистон АССР.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **Н. Умиров, Р. Мухторов** (Самарқанд), **А. Зарипова, М. Султонова** (Андижон) **Т. Мирзаева** (Сирдарё), **К. Тўраев** (Наманган), **С. Аминов** (Сурхондарё), **Б. Жабборов** (Хоразм), **Р. Ражабов** (Бухоро), **А. Иброҳимов** (ҚҚАССР) ва бошқалар редакцияга турли мазмунда хат-хабарлар йўллашган.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА, 1 октябрь. (ТАСС). «Бирдамлик» касаба союз бирлашмаси Гданьск съездининг иккинчи давраси мажлис бошлаганига бир ҳафтача бўлди. Касаба союз бирлашмаси Ченстохов ташкилотининг вакили Бжеславскаянинг айтишича, шу давр ичида делегатлар касаба союзларига оид масалаларни эмас, балки нуқул сиёсий масалаларни муҳокама қилиш билан шуғулланмоқдалар. У нутқ сўзлаётганида «мавзудан чиқиб кетдингиз» деган баҳона билан сўзини давом эттиришига имкон бермадилар.

Дарҳақиқат, съездда ҳокимият учун бевосита курашни қандай ва қачон бошлаш керак. Польшадаги мавжуд социалистик тартибларни ва унинг иттифоқчилик алоқаларини қандай қилиб қўпориш лозим, «Бирдамлик» конституцияни, ўз устазини, шу бирлашманинг мамлакат ҳукумати билан имзолаган битимларини ҳозирнинг ўзидаёқ қанчалик кўпроқ бузиши мумкин, деган бошқа бир мавзу устунлик қилмоқда, шу мавзу теварагида муноза ва кураш давом этмоқда.

«Агар бизни халқ ҳокимиятига қарши нафрат бирлаштириб турмаганда эди, бизнинг ҳаракатимиз бир неча тармоқ касаба союзларига ва сиёсий партияларга бўлиниб кетган бўлур эди», — деди Мазовше регионидан юборилган вакил Буковский. Нотиқларнинг нутқлари асосан сафсатабозлик ва экстремизм даражаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Улардан бири, касаба союз бирлашмаси программаси лойиҳасининг авторларидан бири Геремек «Бирдамлик» воситачилигида «ҳокимият системасини ислоҳ этиш» ва бу ташкилот икки ёқлама, яъни ҳам касаба союз ташкилоти, ҳам ижтимоий ҳаракат ролини ўйнаши лозим, деб талаб қилмоқда. Бошқа бир «пешво» актив коскорчи Липинский «ислоҳот» тушунчаси янада равшанроқ ифодаланиши керак, деб ҳисоблайди. «Биз ўзимизни социалистлар, деб ҳисоблаймиз, биз ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик тарафдоримиз», деди у.

Кўпгина нотиқлар ҳукуматга ва ПБИПга қарши курашда ҳар бир тўқнашувда ҳокимиятни мағлубиятга учратиш учун тобора макконона усуллар ишга солиниши керак, деб талаб қилмоқдалар. Съездда башарти Польшада «Бирдамлик» диктатураси ўрнатилган тақдирда, кўриладиган «эҳтиёт чоралари»ни тайёрлаб қўйиш, «ҳарбий ҳолат жорий этишга ва четдан бўладиган интервенцияга» ҳозирлик кўриш, контрреволюциянинг йўл-йўриқларини амалга ошириш, башарти зарурат туғилса куч ишлатиш тўғрисидаги даъватлар эшитилди.

Машъум антикоммунистик крайовой армиясининг собиқ генерали, съезднинг «фахрий меҳмони» Спеховичга сўз берилиши шу жиҳатдан жуда ибратли бўлди. У ўз нутқида «Бирдамлик»ни ҳеч нарсадан чўчимай «Польшани қайта тиклаш» учун масъулиятни ўз зиммасига олишга гиж гижлади. Генерал «Бирдамлик»нинг крайовой армияси шиорларини қабул қилиб олиб, уни «поляк халқининг ҳақиқий байроғига айлантириш керак», деб даъват этди.

Съездда қандай воқеа содир бўлишидан қатъи назар, ҳозирги касаба союз бирлашмасининг мамлакат тақдирини танҳо белгилаш «ҳуқуқи»ни мустаҳкамлаб бераётгани, айни вақтда Польшага нефть, хом ашё ва бошқа молларни ҳозир етказиб бераётган мамлакатлар, яъни Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар узлуксиз етказиб беришини гарантиялаб қўйган қандайдир халқаро конференция чақириш талаби ўртага қўйилди. Аммо социалистик мамлакатлардан юборилаётган энергия маҳсулотлари ва бошқа молларнинг Польша учун муҳимлиги ва зарурлигини моҳият эътибори билан ўзига хос тарзда ва шакл жиҳатдан сурбетларча мана шундай эътироф қилиш Совет — Польша иқтисодий муносабатларини сохта тарзда талқин этиш йўлидаги уринишлар орасида йўқ бўлиб кетмоқда. Масалан, Гвязда деган машъум кимса гўё Совет Иттифоқи Польшанинг экспортга мўлжалланган кўмири катта қисмини олиб қўймоқда, деб сафсата сотди. вақолонки Польша томонининг илтимосига биноан ўтган йилга нисбатан анча қисқартирилган 1981 йилги битим шартларини Польша ой сайин бажармай келмоқда. Чунончи, шу йилнинг август ойида ПХРдан кўмир юбориш, Гвязда даъво қилганидек, 27 процент ўсгани йўқ, балки қарийб 40 процент камайди.

Гвязда ва унга ўхшаш авантюрачилар сохтакорлик ва бошқа номуносиб усуллар воситаси билан Советларга қарши кайфиятни кучайтиришни авж олдиришни кўзламоқдалар. Гданьск йиғини ташкилотчилари аввал бошданоқ мана шу кайфиятни вужудга келтиришга зўр бериб уринган эдилар.

* * *

ВАРШАВА, 1 октябрь. (ТАСС). «Жолнеж волности» газетаси «Бирдамлик» раҳбарларининг йўлини фош этувчи мақола эълон қилди.

Касаба союз бирлашмасидаги кўпгина кишилар, деб ёзади газета, сиёсатбозлик қилиш ҳамда давлат ҳоким иятига ва партияга ҳужумларни ташкил этиш, халқ орасида мавжуд тузумга нафрат туғдириш билан шуғулланмоқдалар. Баъзи бир касаба союз «активлари» бародаркушлик урушига ошкора даъват қилмоқдалар. Улар контрреволюцион штабда йиғилиб чиқилган ва Ғарбдаги қўпорувчи марказлар томонидан қўллаб-қувватланаётган тактикага амал қилиб, давлат органларига ҳужум қилишни ташкил этмоқдалар, иш ташлаш билан дўқ қилиб, маъмурларни тазйиққа бўйсунишга ва «Бирдамлик»нинг талабларини қондиришга мажбур этмоқдалар. Бир ярим йилдан бери мана шундай аҳвол давом этиб келмоқда ва унга қачон чек қўйилиши маълум эмас.

Газета КОС-КОР деган антисоциалистик ташкилот мазкур касаба союз бирлашмасининг ҳаракатларига аниқ раҳбарлик қилаётганига эътибори қаратади. КОС-КОР аъзолари кўп йиллардан бери Ғарбдаги турли-туман махсус маҳкамалардан мадад олиб келмоқдалар ва социализмга қарши кураш усулларини ўрганганлар. Бу кишилар: партияга ва халқ ҳокимиятига қарши курашиш, социализм ва Польша тузган халқаро иттифоқларга душманлик билан қарашдан иборат бош принципга амал қилиб келмоқдалар, деб таъкидланади мақолада. Уларнинг ҳаракат стратегияси равшан, бу эса Польшадаги социалистик тузумни агдариб ташлашдан иборат. Улар бу стратегиянинг баъзи бандларини рўёбга чиқаришга, жумладан, ишчилар синфининг бир қисми орасидаги позицияларни эгаллаб олишга муваффақ бўлдилар.

Хўш, бундай кишилар меҳнат коллективлари ўртасида қандай қилиб ишончга сазовор бўлаётганликларини, улар ишчиларнинг ўз манфаатларига зарар етказувчи турли норозилик ҳаракатлари ўтказилишини уюштиришга муваффақ бўлаётганликларини нима билан изоҳлаш мумкин? Айтайлик, воевода ёки министр «Бирдамлик» аъзоларидан бирининг бирон-бир «талаби»ни бажармаган тақдирда, ишчиларнинг бир қисми нечун дарҳол иш ташламоқда? Бу саволларнинг жавобини, чамаси одамлар онгидаги жиддий нуқсонлардан, жамиятнинг группаларга бўлинишидан изламоқ керак.

«Бирдамлик»даги экстремистлар афкор оммани чалғитиш учун сафсатабозлик шиорларидан кенг миқёсда фойдаланмоқдалар. Улар маънавий ва жисмоний зўравонлик усулларидан, касаба союз бирлашмасида ўз диктатурасини ўрнатишдан қайтмаяптилар.

«Бирдамлик»нинг муайян бўғинлари партия билан ҳукуматнинг Польшани тангликдан қутқариш ва иқтисодий ислоҳот ўтказиш юзасидан кўраётган тадбирларига қасддан тўсқинлик қилмоқдалар. Сиёсий авантюраларнинг ташкилотчилари мана шундай вазиятдагина ўз олдиларига қўйган вазифани бажаришга — ҳокимиятни босиб олишга қодир бўлишлари мумкин.

Поляклар эс-ҳушини йиғиштириб оладиган ҳамда август битимлари КОС-КОРдаги жаноблар ва социализмнинг бошқа душманларига ишчилар синфи орасида ишонч қозониш учун тактика мулоҳазалари юзасидангина керак бўлганини тушунадиган пайт келди, деб ёзади пировардида газета. Бу ҳужжатлар уларга оммани бўйсундириб олиш учун зарур бўлган эди. Польшадаги социалистик тузумни маъқуллаётган ишчилар синфининг хоҳиш-иродасини партия изчиллик билан бажариб келаётганини эслатиб ўтмоқ керак. Бу сиёсатнинг Куронь, Гвязда, Рулевский, Модзелевский ва шу кабиларнинг мақсад ҳамда ниятларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Халқ ҳокимиятига дағдаға қилаётган бу кимсалар билан гаплашиб ўтиришга вақт йўқ. Уларга қарши кескин курашмоқ керак.

ЭРОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ТЕҲРОН, 1 октябрь. (ТАСС). Авиация ҳалокатида Эроннинг таниқли ҳарбий раҳбарлари ҳалок бўлганлиги муносабати билан Эрон Ислом Республикасининг раҳбари оятилло Ҳумайнининг мактубида айтилдики, Ғарбда ўрнашиб олган Эрон душманларининг кирдикорларига қарамай, мамлакат қуролли кучлари жанговар тайёрлигини сақлаб турибди.

Расмий маълумотларга кўра, «Геркулес С-130» ҳарбий транспорт самолётининг ҳалокати чоғида 40 дан кўп киши ҳалок бўлган. Теҳрон радиосининг хабар беришича, оятилло Ҳумайни генерал К. А. Зохир-Нажод Эрон бирлашган қуролли кучлари штабининг бошлиғи лавозимига, полковник Сайд Шерозий мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинлари қўмондони лавозимига тайинланганликларини тасдиқлаган.

Теҳронда «ислом инқилоби посбонлари» билан ҳукуматга қарши намойиш ташкил этишга уринган режим муҳолифлари ўртасида яна тўқнашувлар юз берди.

Теҳрон радиоси Ислом Республикаси олий судининг раиси ва муваққат президент кенгашининг аъзоси А. Мусави-Ардебели билан полициянинг бошлиғи полковник И. Ҳижозини ўлдиришга қаратилган фитнани хавфсизлик органлари фош этгани тўғрисидаги ҳукумат ахборотини эшиттирди. Фитначилар зарарсизлантирилганлар.

2 октябрь куни Эронда президент сайлови бўлади. Матбуотнинг хабар қилишича, бешта расмий номзоддан тўрттаси ислом республика партиясининг бош секретари Хожатул Ислом Али Ҳусайни Ҳаменеи фойдасига ўз номзодларини амалда қайтариб олган. Форс агентлиги Эронда овоз берадиган сайловчилар ёши 16 ёшдан 15 ёшгача туширилганлигини хабар қилди. Шу муносабат билан бўлғуси президент сайловида ўтган сайловга нисбатан анча кўп сайловчи қатнашади.

Маъмурлар бутун Эронда сайлов чоғида жамоат тартибини сақлаш фавқулодда чораларини кўрмоқдалар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БРЮССЕЛЬ. Мамлакат молия министрлигининг хабар беришича, шу йилнинг дастлабки саккиз ойи давомида Бельгиянинг давлат қарзи 386,2 миллиард Бельгия франки миқдорида кўпайди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 134,9 миллиард кўпдир.

ТОКИО. Фукуока шаҳрида «Япония ва СССР халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик учун» шиори остида навбатдаги Совет — Япония касаба союз учрашуви ўтказилди. Япония касаба союзлари бош кенгашининг раиси М. Макизда совет делегациясини табриклаб, Совет Иттифоқи билан Япония ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун бундай анжуманлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

БОГОТА. Колумбия касаба союзлари мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, қимматчилик тўхтовсиз ортиб бораётганлигига ва реакциянинг жабр-зулми кучайиб бораётганлигига қарши норозилик белгиси сифатида октябрнинг ўрталарида жойлашган забастовка ўтказишга даъват этдилар. (ТАСС).

ЮКС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕЛГРАД. Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ЮКСнинг навбатдаги XII съездини 1982 йилнинг июнида Белградда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленум мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ва ЮКСнинг вазифаларини муҳокама қилди. ЮКС Марказий Комитети Президиумининг секретари Д. Чулафич шу масала юзасидан доклад қилиб, иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаш ишида Югославия Коммунистлар союзи муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади. Экономикада эришилган натижаларга, деди у, муносиб баҳо бериш керак. Экономикани барқарорлаштириш сиёсати — бизнинг бирдан бир сиёсатимиздир, чунки бу сиёсат мамлакат ҳаётида ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг ролини янада оширишни билдиради.

Докладчи Югославияда иқтисодий аҳволнинг мураккаблигини уқтириб ўтди. Мамлакатимиз узоқ вақт давомида дуч келаётган кўпгина иқтисодий проблемалар, деди у, кейинги йилларда айниқса кескинлашди. Аввало бу — пулнинг қадрсизланиши, экономика структурасидаги номутаносиблик, ташқи савдо ва тўлов балансларининг камомадидир. ЮКС, бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар меҳнат унумдорлигини оширш ва хўжалик ишларининг самарадорлигини юксалтириш негизида юқорий ривожланиш сабабларини бартараф этиш учун ҳамма ишларни қилиши зарур.

Пленум Д. Маркович билан Д. Алимпични ЮКС Марказий Комитети Президиуми аъзолари қилиб сайлади.

(ТАСС).

УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ, 1 октябрь. (ТАСС). Ироқ билан Эрон ўртасида уруш ҳаракатлари давом этмоқда.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида хабар қилинишича, ўтган кунлар мобайнида Ироқ авиацияси фронтнинг жанубий участкаларида Эроннинг бир қанча объектларини бомбардимон қилди.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг хабарига қараганда, Эрон қўшинлари Ободон — Меҳшаҳр ва Ободон — Аҳваз йўналишларида жойлашган янги эгалланган позицияларда мустаҳкам ўрнашиб олмоқдалар. Ироқ қўшинларининг Қорун дарёси ғарбий соҳилидаги позициялари сўнгги 48 соат мобайнида тўхтовсиз тўпга тутиб турилибди. Хабарда Ироқ қўшинларининг олисга отадиган артиллерияси Ободоннинг баъзи районларини тўпга тутганлиги айтилади.

Уруш хавфига қарши

10 октябрда Бонида уруш хавфига қарши, АҚШ ва НАТО ҳарбийлари авж олдираётган ракета-ядро қуролланиш пойгасига қарши намойиш ўтказиш мўлжалланган. ГФРдаги барча тинчликсевар кучлар бу намойишга актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Кейинги маълумотларга кўра, 750дан ортиқ ташкилот ва группа жамоатчиликининг ана шу намойишида қатнашиш ниятида эканлигини билдирди.

Намойиш ташкилотчиларининг баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: турли сиёсий маслакдаги кишилар — социал-демократлар, либераллар, христиан демократлари, коммунистлар АҚШ маъмуриятининг ўртача олисликка учадиган янги ракета-ядро қуролини Ғарбий Европада жойлаштириш режаларидан ғоят ташвишланмоқдалар.

Тинчликсевар кучларнинг активлиги ГФРдаги реакцион доираларнинг «каттиқ норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу доираллар намойиш ўтказилишига халақит бериш учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Христиан-демократик иттифоқи — христиан-социал иттифоқ консерватив блокининг раҳбарлари туҳматдан иборат бир қанча баёнот эълон қилдилар. Уларнинг оммавий намойиш «ГФРнинг обрўсини тўкиб қўяди», деган даъволари намойиш ташкилотчилари кўзда тутган мақсадлар хусусида жамоатчиликни чалғитишга мўлжалланган.

Айни вақтда ГФРда ракета-ядро қуролини жойлаштиришга қарши чиқаётган жамоат арбобларга қарши гиж-гижлатиш кампанияси ўтказилмоқда.

(ТАСС).

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ, СОВЕТ ХАЛҚИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ!

ҲАҚИҚИЙ САНЪАТ БАЙРАМИ

Қўшиқ фестивалида актив иштирок этган Ирина Понаровская, Леонид Серебрянниковлар ўзига хос ижрочилиги ва оригинал репертуарлари билан танилган санъаткорлардир. Бошқа ҳамкасблари каби улар ҳам Тошкентга алоҳида тайёргарлик билан келишди. Масалан, Л. Серебрянников фестивалда 2 та янги асар — «Сени кошки унута олсам» (М. Кажлаев музикаси), «Чақмоқ» (О. Фельцман музикаси) қўшиқлари билан қатнашмоқда. Икки тарона ҳам санъат мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди.

Ирина ПОНАРОВСКАЯ,
Халқаро конкурс лауреати

Тошкент фестивали катта санъат байрамига айланиб кетди. Шундай бўлиши керак эди. Чунки, фестиваль қатнашчилари орасида мамлакатимизнинг жуда кўп республикаларидан санъаткорлар бор; чунки, фестиваль гоятда эзгу мақсадни кўзлаган. Унинг «Ленин партиясини шарафлаймиз, совет халқини шарафлаймиз» деган муқаддас шиори ҳар бир ижодкорга, ҳар қандай бадиий коллективга илҳом бағишлайди. Шахсан мен бундай катта санъат байрамида иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Ҳозирга қадар жуда кўп санъат кўрикларида иштирок этган бўлсам-да, бу фестиваль мен учун ҳам алоҳида қадрлидир. Бу ерда, Тошкентда ажойиб ижрочилиги билан довруқ таратган, республикалари, қолаверса, мамлакатимиз вокаль санъатининг тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган ҳамкасбларим билан танишдим. Энг муҳими, санъатда мавзу масъулияти деган ўзаро фикр алмашувдан, ижодий давра гурунгидан кўп нарса оляпман.

Тошкент фестивали — муқаддас мақсадли кўрик. Бундай фестивалларни иложи борича кўпроқ ўтказиб турмоқ керак, деб ўйлайман.

Леонид СЕРЕБРЯНИКОВ,
Халқаро конкурс лауреати

Совет вокаль санъати кейинги йилларда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Жуда кўп қўшиқларимиз халқаро конкурс ва кўрикларда ижро этилиб, олқиш-эътирофга сазовор бўлди. Шуниси қувончлики, бундай машҳур асарларнинг кўпи доҳий Владимир Ильич Ленин, Коммунистик партиямиз ва қаҳрамон совет халқини шарафлайди, уларнинг буюклигига ўзига хос гимн бўлиб таралади.

Мен шу ҳақда ўйлаганимда, бу соҳада катта тажрибага эга устозларимизнинг актив ижодий фаолияти ёшлар учун мўътабар мактаб эканлигига яна бир бор ишонаман. Ҳа, биз устозлардан ўрганишимиз керак, уларнинг тажрибаси, маҳорати, кўрсатаётган йўл-йўриқлари гоятда илҳомбахш, гоятда малакалидир. Тошкент фестивалида катта қизиқишга, олқиш-эътирофга сазовор бўлаётган қўшиқларнинг аксарияти машҳур санъаткорларимиз изидан бораётган талантли вокалистларнинг тароналаридир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари катта санъат байрами билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

ПАХТАКОР ЖАСОРАТИНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИНИНГ АНЪАНАВИЙ «ДАВРА СТОЛИ» АТРОФИДА ЁЗУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«...Барча китобхонлар, томошабинлар, тингловчилар сезиб турибдилар: совет санъатида янги тўлқинлар мавж урмоқда», — деган эди КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев. Партиямиз съездида адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлар юксак баҳоланди. Бундан илҳомланган адиблар ва шоирларимиз янада кўтаринки руҳда ижод қилмоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида бўлиб ўтган республика ёзувчилари, танқидчи ва шоирларининг анъанавий «Давра столи» атрофидаги суҳбатида ана шулар ҳақида гап борди.

— Тожикистонда бўлиб ўтган республикамиз адабиёти ва санъати кунларидан кейин бир гуруҳ адиблар, шоирлар Сурхондарё ва Қашқадарёда — пахтакорлар ҳузурида бўлдик. Пахтакорларимизнинг меҳнати билан, деҳқонлар ҳаёти билан танишиш янги мавзулар туғилишига омил бўлди, — деди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоир Эркин Воҳидов. — Шу маънода биз шоир ва ёзувчилар тез-тез пахтакорлар ҳузурида бўлишимиз, халқ ҳаётига янада чуқурроқ киришимиз керак. Пахтакорларимизнинг меҳнатини кўрсатиш, уларни руҳлантириш ҳар биримизнинг гражданлик бурчимиздир.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоир Абдулла Орипов ҳам пахтакорларни янгидан-янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантириш республика ижодкорларининг шу кунлардаги энг асосий вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Пахтакор меҳнати чиндан ҳам машаққатли, — деди у. — Лекин меҳнат чинакамига ифода этилган бадиий асарлар уларни шубҳасиз руҳлантиради.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ёзувчи Ўткир Ҳошимов: «Бизнинг насрий асарларимизда пахтакорларимизнинг катта меҳнати ҳали бутун мураккабликлари билан кўнгилдагидек ифодасини топганича йўқ», — деди. У бунга эришиш учун тез-тез пахтакорлар ҳузурида бўлиб, уларнинг турмушини чуқур ва атрофлича ўрганиб боришга чақирди.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Салоҳиддин Мамажонов ҳам ижодкорларимиз «оқ олтин» бунёд этаётган олтин қўлли пахтакорларимиз олдида қарздор эканлигини айтди. Мунаққид кейинги пайтларда пахтакорлар ҳаёти чуқур ифода этилаётган кўламли асарлар юзага келаётганлигини, бу асарларни меҳнаткашлар илиқ қарши олаётганлигини эътироф этди. Бироқ, очерк жанрида ҳали баркамол асарларга чанқоқлик борлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ёзувчи Мамадали Маҳмудов, танқидчилар Михли Сафаров, Абдуғафур Расулов, драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов, шоир Мирпўлат Мирзаев ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, адабиётимизнинг ютуқ ва камчиликлари, ижодий режалари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шу кеча-кундузда ҳамманинг, хусусан, қалам аҳлининг ўрни пахтазорда. «Давра столи» суҳбатида қатнашган ёзувчиларнинг бир группаси «Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари ҳузурида бўлиб, уларнинг фидокорона ишларини, далалардаги қайноқ меҳнат жабҳасини қаламга олмоқ учун жўнаб кетиш истагини билдирдилар.



Суратда: «Давра столи» атрофида учрашув иштирокчилари. А. Тўраев фотоси.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ЕВРОПА КУБОКЛАРИ УЧУН

Кубок эгалари кубоги учун мусобақаларда Совет Иттифоқи командалари муваффақиятли қатнашдилар. Бу мусобақанинг ўтган йилги ғолиби — Тбилисининг «Динамо» командаси бу сафар Австриянинг «Грацер» командаси меҳмони бўлди. Бу ўйинда 2:2 ҳисоби қайд қилинди. Динамочилар ўз майдонларида 2:0 ҳисобида ғалаба қозонганлари учун кейинги даврага чиқдилар. Ростов армиячилари эса Туркиянинг «Анқарагюджо» («Анқаранинг ёшлиги») командаси билан бўлган учрашувда ғалабага эришдилар. Ҳисоб 2:0. Армиячилар ўз майдонларида туркияликлар дарвозасига жавобсиз уч тўп киритган эдилар. Натижада Ростов армиячилари кейинги даврага йўлланма олишди.

УЕФА кубоги учун мусобақалашган Москванинг «Спартак» командаси футболчиларининг ҳам омади келди. Улар Бельгиянинг «Брюгге» командасини икки ўйинда ҳам бир хил ҳисобда (3:1) мағлубиятга учратдилар. Лекин, Ленинграднинг «Зенит» командаси футболчилари Дрезденнинг «Динамо» командасига иккала ўйинда ҳам ютқазишди. Ҳисоб 1:2, 1:4. Шундай қилиб, тўрт Совет командаси Европа кубокларининг навбатдаги даврасига йўлланма олди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК:

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Анъанавий тус олган «Самарқанд юлдузлари-81» мусобақалари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг спорт залида ўтказилди. Қиличбозларнинг Бутуниттифоқ анъанавий мусобақасида иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинграддан ўн беш команда спортчилари иштирок этдилар. Турнирда Ленинград терма командаси спортчиларига биринчи мукофот топширилди. Бу Нева соҳилларидан келган қиличбозларнинг сурункасига учинчи ғалабасидир. Тошкент спортчилари иккинчи, Қозоғистон вакиллари учинчи ўринни эгалладилар. Шахсий ҳисобда рапирачилар орасида ленинградликлардан Алла Зеленко билан Александр Швецов, шпагачилар ўртасида Николай Иваненко (Қозоғистон), шунингдек шамширчи Игорь Лукачер (Самарқанд) энг яхши деб топилдилар.

ЭШКАК ЭШИШ:

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар Навоий шаҳридаги Комсомол кўлида ўтказилди. Бу мусобақага республикамиз областлари, Тошкент шаҳри терма командаларидан кўплаб спортчилар қатнашди. Баҳсларга яхши тайёргарлик кўрган пойтахт областининг эшкак эшувчилари бош совринга сазовор бўлишди. Бу команда составида Чирчиқ шаҳридан келган спортчилар қатнашди. Тошкентлик эшкак эшувчилар турнирда иккинчи ўринни, Фарғона области спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЯГОНА ЙЎЛЛАНМА УЧУН

Биринчи лигада қатнашаётган аёллар командалари олий лигага бирдан бир йўлланмани қўлга киритиш учун ҳаракат қилишмоқда. Эндиликда мусобақанинг асосий қисми бошланди. Чемпионатнинг тўртта финалчи командаси аниқланди. Булар — «Политотдел», Ереваннинг «Маяк», Москва ва Ульяновск спартакчиларидир. Улар икки даврадан иборат мусобақада ғолиблик учун курашмоқдалар. Мусобақаларнинг биринчи даври «Политотдел» стадионида, иккинчиси Москвада ўтказилади. Турнир ғолиби кучлилар группасига йўлланма олади.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«ОФТОБИ» ФОТОАППАРАТ

Японияда ишлаб чиқарилган ихчам фотокамера механизмларини қуёш энергияси ҳаракатга келтиради. Фотоаппаратнинг устида ўрнатилган фотоэлементлар унга тушувчи қуёш нурини электр энергиясига айлантириб беради ва бу энергия электромагнит затворини ишга солади. Уй ичида ва ҳаво булут бўлганида сурат олиш учун аппаратнинг фотоэлементлар билан зарядланадиган аккумулятор батареяси бор.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.30 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.00 — Камалак. 11.25 — Сизни қизиқтирган китоблар. 12.10 — Т. Шебанова ижро этади. 12.50 — Спортлото. 13.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 14.15 — Мирзо Турсунзода туғилган куннинг 70 йиллигига. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Мультфильмлар. 15.40 — Давлат страхованиесининг 60 йиллигига. 15.55 — Болалар учун фильм. 16.25 — Шаҳрим тароналари. 17.05 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 17.35 — Ҳайвонот оламида. 18.35 — Қишлоқ меҳнаткашлари, Сизлар учун. 19.50 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.50 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.30 — Пропагандист ҳақида сўз. 11.00 — Олға болакайлар. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.15 — Телестадион. 12.50 — Тонгги почта. 13.20 — Ҳужжатли фильмлар. 14.10 — Здоровье. 14.55 — Фильм-концерт. 15.20 — Киножурнал. 15.30 — Музикали киоск. 16.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.00 — Фильм-спектакль. 19.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». 22.40 — Бу қанақаси, доктор. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Романтика телевизион театри. 11.40 — Шахмат мактаби. 12.10 — Чукотка бошлиги. Бадиий фильм. 13.40 — Болалар учун телевизион театр. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Болалар учун фильмлар. 19.00 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Бобомурод Ҳамдамов концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — 1981 йил қўшиқлари.

ТОШКЕНТ-II. 17.35 — Душанба кўрсатувлари.
21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.35 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — М. Ойнақулова куйлайди. 13.00 Чорвачилик комплекслари давр талаби. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари, Сизлар учун. 14.00 — Илғор механик-ҳайдовчилар минбари. 17.00 — Ёшлик. 18.15 — Дала шийпони — оммавий-сиёсий ишлар маркази. 18.30— Халқ қўшиқлари. 19.25 — Сато тароналари. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Пахтакорлар учун Лирик концерт. 22.30 — Лирика кечаси. 23.15 — Шаҳар оқшомида.

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА «ОНА ЕР САХОВАТИ» МАВЗУИДА

3—4 октябрь соат 18.00 да Тошкент область меҳнаткашларининг «Ҳосил байрами»га бағишланган

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Программада:
Область сабзавоткорлари ва полизчиларининг кўргазмаси.
«Сиз ёқтирган санъаткорлар» туркумидан катта концерт.
Хўжа Насриддин ва Алдар кўсанинг латифалари.
Ўзбек паҳлавонларининг оғир тош ўйинлари.
Аскил, миниатюра усталари ижросида кулги кечаси ва бошқалар.

ҲАММА «ҲОСИЛ БАЙРАМИ»ГА!

Ўзбекистон ССР Прокуратураси коллективи ўта муҳим ишлар бўйича терговчи О. Алибоевга отаси **Алибой ХАЛИЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат банкининг правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон республика давлат банки бошқарувчисининг ўринбосари **Фотих Низомович ШАЙХОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи Санъат редакциясининг илмий муҳаррири М. Ашуровага отаси **Олим АШУРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ ҲАФТАЛИГИ

5—11 ОКТЯБРЬ

5 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Болалар учун фильм. 11.05 — Ҳайвонот оламида. 12.05 — Мен ҳам ашула дарсини танладим. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.25 — Концерт. 16.55 — Оналар мактаби. 17.25 — Телестадион. 17.55 — Инсонга ғамхўрлик билан. 18.20 — Концерт. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Татаристон нефти. 20.00 — Концерт. 20.15 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Эстрада программаси. 23.35 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.40 — Тарих. 11.00 — И. С. Соколов-Микитов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.05 — АБВГДейка. 12.40 ва 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Фан оламида. 13.30 — Илмий-оммабоп фильм. 14.00 — Беш йиллик, менинг ёшлигим. 14.45 — Физика. 15.15 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 15.45 — Бир актёр театри. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Халқаро панорама. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Мен сизни севардим. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — География. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Шимол этюдлари. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Ёшлик. 18.40 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Камер асарлари. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Қотиб қолган чақмоқлар. Бадиий фильм. 1-серия. 23.40 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.45 — Ўқув кўрсатуви. 19.15 — Моҳир қўллар. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли киноэкрани. 21.30 — Москва IV программаси.

6 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.20 — Телевизион спектакль. 11.35 — Концерт. 11.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Звездочёт. 16.35 — Концерт. 17.05 — Рус тили. 17.35 — Ёшлар адресларида. 18.35 — Инсон ва қонун. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — ГДР телевидениесининг республика эълон қилинганлигининг 32 йиллигига бағишланган программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия альманахи. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.40 — Ёз кечаси сюитаси.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 — Поэзия. 12.40 ва 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 13.10 — Шахмат мактаби. 14.10 — Халқ қўшиқлари. 14.40 — Физика. 15.10 — Жамиятшунослик. 15.40 — Умумий биология. 16.10 — А. М. Горький. Америка ҳақида очерклар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Куздаги тўйлар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Қувноқлар даврасида. 19.00 — Реконструкция суръати ошмоқда. «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчилар пахтакорлар ҳақида. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Қотиб қолган чақмоқлар. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.05 — Ҳужжатли фильмлар. 18.50 — Эстетика асослари. 19.30 — Ёшлик. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Экранда Москва сатира театри. Бадиий фильм. 21.30 — Москва. IV-программаси.

7 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.25 — Ҳужжатли фильм. 10.45 — Сизга манзур шеърлар. 11.15 — Бугун — Конституция куни. 11.30 — Концерт. 12.20 — Архитектура-81. 12.55 — Фильм-спектакль. 14.05 — Демьян Бедний — инқилоб куйчиси. 15.00 — Цирк. 16.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. 18.35 — 1981 йил қўшиқлари. 19.15 — Мультфильмлар. 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Туркия — СССР терма командалари. 23.50 — Дунё воқеалари. 00.05 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Оналарни эъзозланг. 10.45 — Концерт. 11.30 — Болалар учун бадиий фильм. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.50 — Сизни оперетта таклиф этади. 15.00 — Ўқув кўрсатуви. 15.30 — Мультфильмлар. 16.00 — Музикали программа. 17.15 — Фильм-спектакль. 19.20 — Концерт. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаёт бизни синов қилади. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — Концерт. 11.00 — Буюк ҳайвон ўргатувчи. 12.10 — Фильм-концерт. 12.35 — Ҳамшаҳарлар. Бадиий фильм. 14.00 — Фильм-концерт. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Концерт. 19.05 — Бугун — СССР Конституцияси куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мушоира. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.25 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Табиат билан дўстлашиб. 18.35— Қисқа метражли бадиий фильмлар. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Аренага йўл. Кинокомедия. 21.30 — Москва. IV-программаси.

8 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Моҳир қўллар. 10.35 — Куздаги тўйлар. Бадиий фильм. 11.50 — Концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Концерт. 16.20 — Ўзбекистонда пахта йиғим-терими илғор тажрибаси ҳақида. 16.35 — Шахмат мактаби. 17.05 — Ҳаётга йўлланма. 17.50 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Концерт. 19.55 — Очиқчасига гап. 20.25 — Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.05 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.35 — Умумий биология. 11.05 — Симфоник оркестр. 12.40 ва 13.45 — Зоология. 13.05 — Оналар мактаби. 13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 14.10 — Ҳужжатли фильм. 14.45 — Режиссёрлик санъати. 2-кўрсатув. 15.30 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 20.15 — Н. Мясковский. 3-соната. 20.30 — Сиз бунга қодирсиз. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Кўп серияли бадиий фильм. (ГДР). 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Бойчечак. 12.00 — Мишка — сеҳргар. Бадиий телефильм. 12.30 — Телевизион театр. 13.20 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.50 — Ҳужжатли фильмлар. 18.20 — Андерсен эртаклари. 18.40 — Фильм-концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фурқат лирикаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Фурқат лирикасининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Фильм, фильм, фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Кашфиётлар мамлакатида. 18.30 — Ўқитувчи экрани. 19.00 —Хоккей. «Бинокор» — «Локомотив». 21.15 — Телефильм.

9 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.50 — Ҳаёт бизни синов қилади. Бадиий фильм. 12.05 — Концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Хўжаликни бошқариш тажрибаси. 16.20 — Халқ оҳанглари. 16.35 — Москва ва москваликлар. 17.05 — Бадиий фильмлар. 18.45 — Фан оламида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — В. Моцарт: Скрипка ва альт ижроси учун дуэт. 19.50 — Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 — Виктор Кингисеппнинг ҳаётидан икки кун. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Театр, кино, телевидение музикаси. 23.50 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.40 — А. С. Пушкин эртаклари. 11.00 — Физика. 11.30 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 13.10 — Ж. Байрон. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 14.10 — Звездочёт. 14.55 — М. Ю. Лермонтов. Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ. 15.20 — Физика. 15.50 — Тарих. 16.20 — Рус санъати. 16.50 ва 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 20.00 — Концерт. 20.30 — Сизни қизиқтирган китоблар. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Кўп серияли бадиий фильм. 2—3-сериялар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фонарик. 12.00 — Салом, Ральф. Бадиий телефильм. 12.30 — Юмор телевизион театри. 13.20 — Замандас. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.45 — Ишга тушириладиган объектлар — сафга. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзинг, пахтакорлар ҳақида. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Улуғбек юлдузи. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильмлар. 18.05 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Пойтахт области далаларида. 20.50 — Телефильм. 21.30 — Москва. IV-программаси.

10 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — АБВГДейка. 10.30 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.00 —Ҳужжатли фильм. 11.50 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.20 — Камалак. 12.50 — Биз БАМни қуряпмиз. 13.30 — Концерт. 14.10 — Спортлото. 14.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.20 — Дунё воқеалари. 15.35 — Телефильм. 16.15 — Ҳамдўстлик. 17.15 — Мультфильм. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.00 — Концерт. 18.40— Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.25 — Ёлғондакам касал. Бадиий фильм. 1—2-сериялар. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган кеча. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.25 — Тонгги почта. 10.55 — Объектив. 11.25 — Фильм-спектакль. 13.30 — Чин қалбдан. 15.15 — Фильм-концерт. 16.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 — Оддий воқеа. Бадиий фильм. 19.00 — Музикали киоск. 19.30 — Жасорат. 20.00— Здоровье. 20.45 — Катталар учун мультфильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Спартак».

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ф. Мамадалиев куйлайди. 10.50 — Сўз кетидан сўз келар. 11.10 —Шахмат мактаби. 11.40 — Светофор. 12.40 — Семурғ. Бадиий фильм. 18.20 — Фильм-концерт. 18.50 — Қўшиқ, қўшиқжон. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқ айтган етар муродга. 21.30 — Время. 22.05 —Хирмонингизга барака. 22.20 — Кинокўрсатув.

ТОЖИКИСТОН. 16.00 — Душанба кўрсатувлари. 21.30 — Москва. IV-программаси.

11 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — СССР Қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц сўзи. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Телевизион спектакль. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 — Концерт. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Қишлоқ меҳнаткашлари, Сизлар учун. 19.55 — Шахсий фикр. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховеннинг 9-симфонияси. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.15 — Ҳужжатли фильмлар. 11.05 — Камалак. 11.30 — Бадиий фильмлар. 13.10 — Ҳайвонот оламида. 14.10 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 14.40 — Кинопанорама. 16.10 — Фильм-концерт. 16.40 — Театр ҳақида ҳикоялар. 17.35 — Илк қувончлар. Бадиий фильм. 6-серия. 19.00 — Ҳужжатли экран. 19.55 — Музикали программа. 20.40 — А. М. Горький. Америка ҳақида очерклар. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев). 22.45 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — АСК (Ростов-Дон).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телефильмлар. 10.55 — «Садо» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 11.20 — Н. Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.10 — Кинокўрсатув. 12.45 — Ҳаёлпарастлар. Бадиий фильм. 13.55 — Ўзбекистон спорти. 14.25 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН. 16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-53-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02242. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 229. 2